

**Саҳна ҳаракати ва жанги модулини
ўқитишда хорижий тажрибалар ва
инновацион ёндашувлар**



- ❖ **ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази**
- ❖ **“Хореография (турлари бўйича)”**
- ❖ **Дўсанов Раҳимжон Раимқулович**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият”
кафедраси ўқитувчиси Дўсанов Раҳимжон Раимқулович

Такризчи: ЎзДСМИ “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият”
кафедраси прафессори Исмоилов Арсен Файзуллаевич

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик Кенгашининг қарори
билан нашрга тавсия қилинган (2021 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	72
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	84
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	87
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	102

І. ИШЧИ ДАСТУР

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Хореография йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Хореография йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва стратегияси;
- ижодкор фаолияти ҳақида умумий тушунчаларни;
- ҳар бир давр ва ҳар даврнинг ўзига хос қахрамонлари;
- ғоявий ва чуқур мазмунли репертуар танлаш;
- бадиий образ яратишда ташқи ва ички ҳаракат яхлитлигини таъминлаш;
- ижодкорнинг индивидуал ифодалаш хусусиятлари;
- образнинг етакчи хатти-ҳаракатини аниқлаш ва унга амал қилиш;
- сахна санъатининг анъанавий ва замонавий услубларни;
- мақсадга муовфиқ хатти-ҳаракат қилиш;

- бадий яхлитлик, асарни бадий ҳис қилиш ҳақида умумий тушунчаларни **билиши**;

Тингловчи:

- хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанларида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга тадбиқ этиш;
- тингловчилар тасаввурини шакллантириш;
- ижодкор фаолияти ҳақидаги умумий ва индивидуал қирраларини ифодалаш ва етказа билиш;
- таълим стандартларининг янги талабларига мос равишда мустақил янги методик усулларни яратиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- этюд, ижодий ишнинг композицион ечими, мусиқа ва ритм ҳис қилиш;
- шакл ва ҳажм орқали ҳис қилиш психологиясини шакллантириш;
- мусиқа, чирок, қахрамон характери, жанр хусусияларининг ҳис қилишга қахрамонининг психофизик ҳолатини кўрсатиб бериш;
- сахнавий диққатни ошириш ва диққатини жамлаш машқлари бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ижодкор шахсининг ривожланиши ва шаклланиш хусусиятларини ривожлантириш;
- сахнавий жанглари, пластик ҳаракатларни умумий тушунчаларни таҳлил қилиш;
- ижодкорнинг тасаввури ва хотирасини ривожлантириш;
- сахнавий жанг, пластик ҳаракатлар ва асрлар мобайнида шаклланган, замонавий услубларнинг ўзига хослигини тушунтириб бериш;
- сахнавий ҳатти-ҳаракат ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиш;
- сахнани ҳис қилиш, ижронинг томошавий таъсирини ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши

назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, берилган шарт шароит каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Темурийлар музейига ташриф буюрилади ва Темурийлар даврига хос кийимлар, қуроллар, фото суратлар ўрганилади. Танланган асарга композициялар амалий машғулоти тугатилади ва дарс сўнгида таҳлил қилинади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси”, “Сахна санъатида мультимедиа тизимлари ва компьютер технологиялари”, “Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар сахна санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, индивидуал пластик имкониятни ошириш ва бадий талқин этиш, сахнавий ҳатти-ҳаракат, сахнавий эстетика ва бадий дидни ривожлантириш, услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	Жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари.	2	2		
2.	Илғор хорижий мамлакатлар (Россия, Италия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония) театр ва кино санъатида хореографик элементлар ва жанг сахналарини сахналаштириш услубларини ўрганиш ва таққослаш.	2	2		
3.	Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини эгаллашда, амалий машғулотлар ўтказишда, илғор хорижий тажрибалар интеграциясини қўллаш.			2	2
4.	Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.			2	
5.	Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш.			2	2
6.	Тарихий жанглارни сахналаштиришда шарқона жанг усулларида фойдаланиш. Мураккаб жанг сахналарини, оммавий сахналарни, катта хореографик композицияларни сахналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида ақс эттириш.			4	
Жами: 16 соат		18	4	10	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари (2 соат).

Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари. Актёрлик маҳоратининг мақсад ва вазифалари. Унга бўлган зарурат ва замон талаби. Актёрда бадиий дид ва этик маданиятни ривожлантириш. Рол таҳлили эмоционал хотира. К.С.Станиславский “Агарда мен” тушунчаси ва вазифаси. Берилган шарт-шароит мантиқий – изчиллик. Етакчи ҳатти-ҳаракат. Олий маҳсад. Актёр хис-туйғуси, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш. Актёрлик санъатининг илк тадқиқотлари. Хорижий актёрлик маҳорати мактаблари. Актёрлик маҳорати фанининг замонавий техник воситалари.

2-мавзу: Илғор хорижий мамлакатлар (Россия, Италия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония) театр ва кино санъатида хореографик элементлар ва жанг сахналарини сахналаштириш услубларини ўрганиш ва таққослаш (2 соат).

Илғор хорижий мамлакатлар (Россия, Италия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония) театр ва кино санъатида хореографик элементлар ва жанг сахналарини сахналаштириш услубларини ўрганиш ва таққослаш. Илғор хорижий ва маҳаллий театр ва кинокомпания режиссёрлари томонидан сахналаштирилган спектакль ва фильмлар таҳлили. АҚШ санъати мактаби яратилишида Михаил Чехов хизматлари. Актёрлик маҳорати фанини ўқитиш методикаси (HOLLYWOOD кино маҳсулотлари мисолида). Михаил Чехов “Актёр техникаси” услубияти. К.С.Станиславский ва Михаил Чехов системасининг фарқли ва умумий жиҳатлари. Ҳатти-ҳаракат ва образ яратиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари (2 соат).

Актёрлик маҳоратининг мақсад ва вазифалари. Унга бўлган зарурат ва замон талаби. Актёрда бадиий дид ва этик маданиятни ривожлантириш. Рол таҳлили эмоционал хотира. К.С.Станиславский “Агарда мен” тушунчаси ва

вазифаси. Берилган шарт-шароит мантикий – изчиллик. Етакчи ҳатти-ҳаракат. Олий мақсад. Актёр ҳис-туйғуси, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-руҳий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш. Актёрлик санъатининг илк тадқиқотлари. Хорижий актёрлик маҳорати мактаблари. Актёрлик маҳорати фанининг замонавий техник воситалари.

2-амалий машғулот: Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш (2 соат).

Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Роль устида мустақил ишлашда амалий ва назарий машғулот. Саҳнавий ҳатти-ҳаракат маълум бир муаллифнинг ижод илҳоми натижасида яратилган бадиий тўқима асосида содир этилади ва уни реал ҳаёт, деб эмас, худди ҳаётдагидек ишонарли қилиб ижро этиш жараёнда машқлардан фойдаланиш. Этюд устида ишлаш. Ҳаёлий тўқима асосида ҳатти-ҳаракат қилишга бағишланган машқлар турфа хил. Уларнинг барчаси “Агарда” сўзи асосида бажарилади. Кино санъатида актёрлар ижросининг замонавий унсурлари. Замонавий кино, спектакл, шоу томошаларнинг бугунги кундаги урни. Молиялаштириш ва реклама.

3-амалий машғулот: Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш (2 соат).

Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш. Мезансаҳнанинг актёр учун ахамияти. Амалий машқлар жараёни ва энг майда деталларгача эътибор, элементар устида тинимсиз изланишнинг ахамияти. Актёр ижодий жараёнга ички тайёргарлик, партнёрни ҳис қилиш, саҳнада фаол ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш учун рухан, ҳам жисмонан тайёрлаши. Этюд ишлаш жараёни ва муҳим омиллар. Замонавий актёрлик маҳорати фанида кечинма ва тақлидий санъат.

4-амалий машғулот: Тарихий жанглари саҳналаштиришда шарқона жанг усулларида фойдаланиш. Мураккаб жанг саҳналарини, оммавий саҳналарни, катта хореографик композицияларни саҳналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида акс эттириш (2 соат).

Тарихий жанглари саҳналаштиришда шарқона жанг усулларида фойдаланиш. Мураккаб жанг саҳналарини, оммавий саҳналарни, катта хореографик композицияларни саҳналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида акс эттириш. Мезансаҳнанинг актёр учун ахамияти. Амалий машқлар жараёни ва энг майда деталларгача эътибор,

элементар устида тинимсиз изланишнинг аҳамияти. Актёр ижодий жараёнга ички тайёргарлик, партнёрни ҳис қилиш, сахнада фаол ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш учун руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаши. Этюд ишлаш жараёни ва муҳим омиллар. Замонавий актёрлик маҳорати фанида кечинма ва тақлидий санъат.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- кўчма машғулот: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари (2 соат).

Актёрлик маҳоратининг мақсад ва вазифалари. Унга бўлган зарурат ва замон талаби. Актёрда бадиий дид ва этик маданиятни ривожлантириш. Рол таҳлили эмоционал хотира. К.С.Станиславский “Агарда мен” тушунчаси ва вазифаси. Берилган шарт-шароит мантиқий – изчиллик. Етакчи ҳатти-ҳаракат. Олий маҳсад. Актёр ҳис-туйғуси, импровизация, жисмоний ҳаракат услуби, ташқи-жисмоний ҳолат, ички-рухий ҳолат, мушаклар эркинлигига эришиш. Актёрлик санъатининг илк тадқиқотлари. Хорижий актёрлик маҳорати мактаблари. Актёрлик маҳорати фанининг замонавий техник воситалари.

2-кўчма машғулот: Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш (2 соат).

Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш. Мезансаҳнанинг актёр учун аҳамияти. Амалий машқлар жараёни ва энг майда деталларгача эътибор, элементар устида тинимсиз изланишнинг аҳамияти. Актёр ижодий жараёнга ички тайёргарлик, партнёрни ҳис қилиш, сахнада фаол ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш учун руҳан, ҳам жисмонан тайёрлаши. Этюд ишлаш жараёни ва муҳим омиллар. Замонавий актёрлик маҳорати фанида кечинма ва тақлидий санъат.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.



Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади. Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий

бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан

фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини

текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл кўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг инновацион усуллари. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини ўқитишнинг долзарб масалалари.

Режа:

- 1.1. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанининг моҳияти.
- 1.2. Саҳнада таъсирли хатти-ҳаракат қилиш маданияти.
- 1.3. Актёрнинг пластик таъсирчанлигига қўйиладиган талаблар

Таянч иборалар. Хорелграфия, сахна жанги, сахна ҳаракати, рақс санъати, рақс турлари, сахна ҳаракати элементлари, сахна ҳаракати жанги ва унинг аксессуарлари.

1.1. Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанининг моҳияти.

Ўқув жараёнида ҳар қандай ҳаракатчилик илмида гуруҳ шундай ташкил этилиши керакки-токи уни осон, тезлик билан қайта тиклаш ва мияга жойлаштириш қулай бўлсин. Энг муҳими, муаллим талабига мойил жамоа яратиш, махсус сахна машғулотлари бошланмасдан бурун умумфизиологик кайфият (тонус)ни кўтариш мушакларни юрак-қон томирлари ва нафас олиш маромини шайлаш, бўлажак жисмоний зўриқишга тайёр бўлишини таъминлашдир; яна бири, оддий жалб этиш йўли билан диққатни бир жойга жамлашдир. Бунинг учун оддийгина қадам босиш, ўнг, чапга ўгирилиш, айланиш, бир қатор, кейин икки қатор бўлиб, сўнгра икки, уч ва тўрт қатор бўлиб қадам босиш. Муаллим нафис гимнастикада қўлланиладиган мулойим оҳангда йўриқ беради.

Машқнинг бу қисми дарс вақтига қараб чўзилиши 3дан то 10дақиқагача давом этади. Дастлабки икки ойда дарснинг кириш қисмига 5-6дақиқа ажратилади. Дарс ўтиш жараёнига қараб вақтни 2дақиқагача қисқартирилади. Сўнгра, ўқишнинг охирига келиб 10дақиқагача узайиши мумкин. Ушбу гуруҳнинг мураккаб машқларининг ҳаракат меёри ортади. Машқларни қайтариш миқдори ошиб боради. Бундай ҳолларда улар дарснинг иккинчи қисми алмашилади. Ўзига хос кириш машқлари-меёрий ҳаракат ўзгаришлари, ҳаракат йўналишининг ўзгариши, жуфт бўлиб, ҳатто тўртта шеринка бўлиб югуришидир. Чопишлардан сўнг тезлик камаяди, чуқур нафас олиб, кейин тўхталади. Югуриш мусиқа жўрлигида ижро этилади. Дарснинг кириш қисмида хийла мураккаб машқлар берилади, бунда юриш, тез югуриш ва юришлар уйғунлашган ҳолда олиб борилади. Юқорида таъкидланганимиздек,

дарсинг кириш қисмида оддий мувофиқлашган машқлар берилдики, бундан мақсад, талабаларнинг диққат марказини оширишдан иборат.

Машқларнинг бу услуби марказини уюшқоқлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Шу тариқа ҳар дарсда бир машқ физиологик ҳолда эмационал (рухий) даражани оширишга қаратилган бўлса, яна бири, диққатни жалб этишга қаратилади.

Ҳозирги даврда замонимиз бизнинг олдимизга юксак вазифалар қўймоқда. Энг асосий мақсадларимиздан бири шуки, одамларимизга ҳар томонлама маданий ва маънавий ривожланишга шарт-шароитлар яратишимиздан иборат.

Бу вазифани удалашда ўзбек санъатининг ғоявий мундарижаси ва бадиий маҳорати юксак чўққиларни эгаллашга интилмоғи зарур. Бунинг учун бош мезонлардан бири театрларимизни ёш ижодий кадрлар билан доимий равишда тўлдириб туришимиз керак бўлади. Биз янги актёр ва режиссиор кадрларини ғоявий ва профессионал даражаси юксак янги авлодини тарбиялаб етказишимиз, театрларимизнинг тақдири, унинг янги замон талабларининг кондиримиз заруриятини талаб қилади.

Актёрнинг ички дунёси қанчалик бой, унинг ижодий тушунчалари қанчалик чуқур бўлиши давримиз руҳини, унинг тараққиёти, ривожини шунчалик кенг ва ишончлигини ифодалаб беради. Бу борада кўплаб тизимлар вужудга келган ва оқибат инқирозга учраган, ҳалок бўлган. Вақт тақазоси образнинг хаётий ва бадиий барқарорлигини тасдиқлаб келган. У образни ранго-ранглигини, кескин ўзгаручанлигини ақида сифатида эмас, балки унинг хаётий эканлигини ва абадий яхлитлигини тасдиқлаб, унинг тубанлашувидан сақлаб қолган. Актёр ўз вужудини маҳорат билан ҳар кўйга эркин сола олиш, маҳорати фақат кўшимча меёр, форманинг бутунлигини ифодалаш учунгина эмас, балки ички дунёсининг кенглигини ифодалашда давр тақазоси эканлигини кўрсатади. Вақт шуни кўрсатадики, ҳозирги замон театри инсоннинг ички дунёсини очиб бериши учун актёрга барча имкониятларини яратиб берган. Реализм, ҳақиқат санъатимизнинг негизи эканлигини вақтнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Актёр меҳнатининг аҳамияти шундан иборатки, унинг ижро этаётган роли тамошабинларнинг қалбида чуқур жой олишдир. Ҳозирги замон актёри "абсолют" эшитиш қобилиятига эга бўлиши, вақт талабини эшита билиши ва у билан ҳамоҳанг қадам босиши керак.



ва

пластик ҳаракати, нутқи билан ҳамоҳанг бошқара олишдан иборат.

“Актёр самимий ҳиссиёт билангина эмас, балки уни акс эттириб, кўрсата олиши лозим. Бунинг учун унинг бутун жисми тайёр ва ривожланган бўлиши керак- у ниҳоят даражада ҳушёр ва турли ҳиссий кечинмаларга муносабатини билдириб, унинг нозик томонларини кўрсатиб эшиттира олиши керак”¹.

Одам жисмининг ифода ҳаракати беқиёсдир. Унинг ҳаракат жилолари рассомларнинг этиборини доим ўзига тортиб келган. Биз қадим юноннинг санъатига қойил қолиб келганмиз, унда инсоннинг жисмоний маданияти юқори баҳоланиб келган, бинобарин, рассомлар ижодида маданият ўзининг ҳам юксак ифодасини топган. Бизни антик рассомлар ва Рембрант полотнолари, Роден ва Мухинанинг ҳайкалтаръшлик гуруҳлари ўзига ром этиб келади.

Драматик актёр томошабинларга ўз таъсири билан инсоннинг имконияти чексизлигига ишора қилади.

Драматик актёр томошабинга таъсири билан инсон ўзлигини намоиш этади. У томошабин таъсирини идрок этади. Актёр ижодида барчаси мужассамланган.

Маълумки, ҳар қандай спектакльни саҳналаштиришда шакл ва мазмун бирлиги ётади. Форма мазмунни шаклга айлантиради, мазмун формани ҳаётга чорлайди.

Театримизнинг ҳаётида яратилган катта ижод ҳақиқати одамларнинг онгини ўзига шу билан жалб этдики, зеро шакл ва мазмун бир-бири билан уйғунлашиб келган. Бу ҳаммага маълум ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, бироқ биз баъзан яхшигина тасвирларга яхши спектакллардан кўра кўпроқ дуч келамиз. Афтидан ният яхшига ўхшайди, актёрлар ҳаммасини англаб олишган,

¹ K.S.Stanislavskiy. “Aktorning o'z ustida ishlashi” (T.Xo'jayev tarjiması). «Yangi asr avlodi» 2011-y



лекин шу билан бирга томошабин спектаклга нисбатан бефарқ бўлади. Бунинг боиси нимада?

Спектакль ёрқин таъсирчан эмаслигига сабаблар албатта, кўп. Булардан бири шуки, актёрлар шакл яратиш устида ишлашни истамайдилар ёки билмайдилар ва ҳақиқий кечинма оқибати ўлароқ шакл ўз-ўзидан пайдо бўлади деб ишонадилар. Яна шуки, эътиборларини кўпроқ ички ҳиссиётига (интуиция) берилиб, сахна ҳаракатига эътибор бермайдилар. Ваҳоланки фақат сахна ҳаракати ва шу усуллардан тўғри фойдаланиш сахна ҳаётига аниқ ва равшан нафислик киритади.

Боз устига бунга К.С. Станиславский шахсини бахона қилиб рўкач қилишади. Лекин Станиславский сахна ҳаракати асосида ётган қонун-қоидаларни билиш лозимлигини ҳеч қачон инкор этмаган. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интуициянинг ўзи гарчи у “интуитив ҳис этиш” механизмлари психофизиология илмий томонидан ҳам охиргача чуқур ўрганилмаган бўлса ҳам у инсон тафаккурида аввал ҳам чуқур ўрнашиб қолганини эътироф этилади. Бинобарин, педагогик тажриба шуни кўрсатадики, гарчи биз шакл актёрнинг ижодий жараёнида интуитив равишда пайдо бўлади десак, унинг ҳиссий гавдалантириш аппарати аввалдан мослашган бўлиши керак. Актёр сахнада турли ҳаракатлар маҳоратига эга бўлиши керак. Буларнинг баъзи турли миллат ва тарихий даврлардаги одамларнинг муайян шаклдаги ҳатти-ҳаракатини уйғунлаштириб кўз олдига келтириш асосида актёр ўз ролини тўғри ижро эта олади. Нима учун бизнинг замонавий театримизда тўлақонли камолотга етган спектаклдаги пластик ҳаракат борасида юксак маҳоратли ижро кам учрайди?



Тўғриси айтсак, пластика маданияти ҳали ҳамон бизнинг заиф томонимиз бўлиб келмоқда. Пьеса ва ҳар бир ролнинг ғоявий мазмуни, руҳияти, ахлоқий моҳиятига кириб бормоқда, унинг ажойиб ва нозик ички дунёсини яратиш ҳозир кўпгина режиссор ва актёрларнинг қўлидан келади. Лекин ўзларининг асосий фикр ва режаларини сахнада ифода эта билиш, спектаклда конкрет сахна ифодасида образ яратиш кўпларининг қўлидан келмайди, аниқ воситалар театр сахнасидаги таъсирчанлик, пластика ва турли усуллардан воқиф эмасликлари етишмаслиги у ёқда турсин улар сахна амалиётидаги чинакам мавжуд бўлган сахна имкониятларидан аниқ тасаввурга эга эмаслар.



Мана масалан, ҳозирги кунда у ёки бу актёр кийинишни ҳам уддасидан чиқмайди, деган эътирофларни эшитиб қоламиз. Актёрнинг фракни нотўғри кийиб олгани, ёки бўлмасам, у бесўнақай нозик эмаслигида ҳам эмас, гап шундаки, эғнидаги кийим образни ифодалаб берадиган ва шу билан бирга яратилаётган образни томошабинга ҳам маълум бўлмаган ўзига хос ҳаракатини очиб берадиган восита эканлигида кетаяпти. Айнан шу каби маҳорат актёрларимизга етишмайди; боз устига улар шундай маҳоратни эгаллаш ҳақида хатто ўйламайдилар ҳам. Баъзан режиссиорлар актёрларнинг бўшашганлиги, кам ҳаракатлиги, ункчалик таъсирчан эмасликлари, ўзлари


мустақил равишда ролнинг чиройли пластикда суратини ярата олаётганликлари ҳақидаги нолалари эшитилиб қолади.

1.2. Саҳнада таъсирли хатти-ҳаракат қилиш маданияти.

Режиссёр актёрларни пластик тайёр эмасликлари, қайсидир ноодатий маҳорат талаб этадиган мезон саҳнани ижро эта олмаганликлари оқибатида режиссиорларнинг фикр ғоялари туғилмасдан сароб бўлиши ҳақида нолиб кўядилар. Ўз навбатида актёрлар режиссиорларга эътироз билдириб, уларнинг қандайдир ёрқин, қизиқарли мезан саҳнани ярата олмасликлари, образнинг пластик характери ўзига ҳос ечимини айтиб бера олмасликлари, таъсирчан саҳна яратишда кенг қамровли маҳоратга эга эмасликлари ҳақида эътирозлар билдириб қоладилар.

Энг ачинарлиги шундаки, ҳамма бало пластик маданият элементларига, унинг техник элементлари, асослари амалиёт ва тажрибага эътиборсизлик билан қарашларида.

Бугунги кунда театрға нафақат ҳаёт ва санъат ривожидagi жараёнларини идрок эта оладиган, балки замонавий режиссурани, унинг жанрини, ритмини, шакл ва мазмунини англаб ола оладиган, ғоявий юксак спектакллардаги мезан саҳналарни аниқ тиклай оладиган режиссорлар керак.



Актёрга ролни кенг қамровда очиб бериш учун фақат сўзнинг ўзи етмайди. Ўз жисмини таъсирчанликдан махрум қилган актёр яратаётган образни анчагина мазмундорлигини йўқотади.

Ўз жисмини бошқара олмайдиган, унинг хатти-ҳаракатини яхши намоён эта олмай, гавданинг турғун ҳолатда тутиши образни тўлақонли ифода эта олмайди. Бундай актёр ҳатто рол ижро этаётган вазият тақозоси талаб этилаётганини инкор этадиган мезансаҳнани афзал кўради, бироқ бу ҳол унга ёрдам бермайди, зеро ҳаракатсиз туриш ҳам таъсирчанликни ундан кам талаб қилмайди.



А.ҲИДОЯТОВ – “Отелло” ролида

У ўз ҳаракати билан ёрқинроқ образ яратишда маълум даражада муваффақиятга эришади. Ўз танасини бошқара оладиган актёр ҳаракатлари, имо-ишоралари билан образга мазмун ва ёрқинликни ато этади, ижодий фантазияси учун кенг имконият яратади, Чунки унинг онгида аниқ-индивидуал, пластик ҳаракатлари билан бойиган оброз пайдо бўлган; унга шаклсизлик бегона, уни жисми-жони билан ҳис этади.

Ўз вақтида Станиславский, Вахтангов, Меерхольд, Етим Бобожонов, Манон Уйғур, Тошхўжа Хўжаев, А.О. Гинзбург, А.Й. Тоиров, Р.Симонов, Г.Товстаногов каби йирик режиссорлар ижодий ўқув жараёнида ўз шогирдларига уларнинг фантазиясини кучайтириш ва маҳсулдор бўлишини таъминлаш учун уларга ижодий топшириқлар беришар эди. Актёрнинг хатти-ҳаракати улар учун бундан бир мақсад эмас, балки сахна ижроси мантиқий ва тўлақонли бўлиши, ҳақиқий жонли образ яратишга қаратилган эди. Ўзларининг педагогик экспериментал фаолиятларида ўша зарур ижод топар

эдиларки, бу актёрни илҳомлантира оладиган зарур ижод “ўзагини” топиб, унга санъатда янгича ўзга бир шаклга кириш учун туртки бўлар эди. Оқибатда, актёр таъсирланган бўлишига, танасини исталган шаклга кирита олишга ёрдам беради, бу эса актёрнинг иккинчи бир табиатини яратарди. Пластик таъсирчан образни яратиш учун актёр жисмонан ва руҳан маҳсус тайёр бўлиши шарт. Ушбу тайёргарлик актёрга шундай ташқи техникани ато этадики, унинг ёрдамида актёр исталган ҳаракатни енгил ва тўғри ижро эта олади.



К.С.Станиславский



Е.Б.Вахтангов



В.Меерхольд



Манон Уйғур



Тошхўжа Хўжаев



А.О.Гинзбург



А.И.Гоиров



Р.Симонов



Г.Товстаногов



1.3. Актёрнинг пластик таъсирчанлигига қўйиладиган талаблар

Театр олий ва ўрта махсус ўқув юртларида актёрга пластик тарбия бериш борасида ягона нуқтаи назар ҳозиргача мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, барча театрларда ҳам актёрнинг пластик таъсирчанлигига талаблар турлича қўйилмоқда.

Ҳали ҳамон ягона шаклга айлантриш муаммоси турлича. Бу нарса актёр тарбиясидаги қўйиладиган вазифаларда аниқлик йўқлиги, малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги маълум даражада ўз таъсирини ўтказмоқда.

Назаримизда, ҳаракат соҳасидаги мутахасислар асосан, икки йўналишда иш олиб бормоқдалар.

Биринчи ва кенгроқ тарқалган бу йўналиш ўз фанларини яхши билладиган; масалан, рақс, гимнастика, акробатика, сахна қиличбозлиги ва аниқ малакага эга бўлган мутахасислар. Мунтазам ва системали машқ давомида талаба акробатика ва гимнастика ҳаракатларини яхши ва баъзида маҳорат билан эгаллайдилар, ханжар ва ёпинчиқларда аниқ ишлата оладилар.

Бу сўзсиз фойдали, лекин талаба аниқ бир йўналишдаги кўникмага ўрганган ҳолос, аммо у хийла оддийроқ ҳаракатларни бажармайди, чунки унинг асаб системалари ва мушаклари фақат ўргатилиб кўникма ҳосил қилган ҳаракатларни бажаради. Демак дарс беришнинг бу методикаси ўқув машғулот чегарасидан нари ўтмайди.

Иккинчи хийла актив йўналишидаги ўқитувчилар талабага у ёки бу аниқ малака берибгина қолмасдан, асосан актёрга зарур бўлган ижодий фикрлаш, тасаввур этиш, ўзгарувчан сахна шароитида импровизация салоҳияти, вақт ва атроф муҳитни тез баҳолаш, аввал унга номаълум бўлган маҳоратни, янги-янги ҳаракат, темп, ритм, мезансахналарни ўзлаштира билишни ўз вазифалари деб билдирадилар ва баҳолашадилар.

Бу каби сифатлар актёрга жуда зарур, чунки турли хил роллар устида ишлар экан у бошқа сахна вазиятлари талабига биноан одатий ҳатти-ҳаракатлардан воз кечишига тўғри келади. Таклиф этилаётган у ёки бу сахна ҳаракати шароити уни мизан сахнанинг пластик ечимини ўзи топиш чорасини кўришга мажбур этади, бу эса композицияни ҳис этиш, мезон ва усулни идрок

этиш хусусиятини ривожлантиради. Ижодий жараёнда актёрнинг бу каби актив иштироки замонавий театр талабларига ниҳоятда ҳамоҳангдир.

Ҳақиқий санъат асарини яратиш учун актёр нафақат тўғри фикр юритиши, ҳаётни кузатар экан, ўз санъатининг билимлари ва технисини яхши ўзлаштира олиши ҳам лозим. Тажриба ва маҳоратсиз, ҳатто катта истеъдодга эга бўлган санъаткор ҳам ҳеч нарса ярата олмайди.

Узоқ, сабот билан қилинган меҳнат ва билим натижасида актёр билим, малака ва одатларни шундай ўзлаштириши керакки, бу малакалар унга ғояни бадиий саҳна образини бадиий жисмоний ҳатти-ҳаракатларга ҳамоҳанг намойиш имкониятини яратади.


АКТЁР ТЕХНИКАСИ

Актёрлик санъатида ички ва ташқи қиёфага кириш техникаси, кечинма санъатида яшаш ҳақида гап юритиш бугунги кунда табиий бўлиб қолган. Актёр саҳнада энг оддий жисмоний ҳаракатни бажараётганда ҳам фақат тана мушакларигина ишлаб қолмай, балки бутун асаб тизими ҳам ишга тушади.

Масалан, биз қилич билан рақибга зарба бериш учун ҳаракат қилганимизда тана мушакларимиздан ташқари, асаб тизимимиз, иродамиз ва албатта онгимиз иштирок этади. Шунингдек, танадаги барча мушаклар бизнинг измимизда бўлиб, хоҳиш-иродамизга бўйсунди. Актёрдаги ички ва ташқи техниканинг узвий бирлиги ижодий жараённинг бош маъзи ҳисобланади.

Саҳнада таъсирли образ яратиш учун нафис ҳаракатнинг ўзи камлик қилади. Баъзан махсус фанлар дарсида енгил ва эркин ҳаракат қилиб, яхши тайёргарлик кўрган бўлсада, рол ўйнаши учун саҳнага чиққанда эпсиз – танг аҳволга тушиб қолади. Нега шундай? Актёрнинг руҳияти рол шароитига мослашиб, у билан яхши уйғунлаша олмаса, унда ижрочининг асаб тизими бир ҳолатда тўхтайтиди, натижада тана мушаклари қотиб қолади. Агар актёрнинг техникаси қанчалик мукамал бўлса, таклиф қилинган ролнинг шарт-шароитларига у шунчалик тез ва осонликча мослашади, тана ҳам эркин маъноли ҳаракатда бўлади.

Рус драматурги А.Н.Островский “Театр мактаблари” ҳақидаги мақоласида шундай деган эди: “Кимда-ким ўзига одат бўлиб қолган имо-ишора ва хатти-ҳаракатларидан воз кечолмаса, у актёр эмас. Яхши ҳаттот ўз услубида эмас, балки хоҳлаган шаклда ёза олгани каби актёр ҳам саҳнада ўз юриш-туришига ёпишиб олмай ҳар қандай рол ва шароит талабига мувофиқ истаган мақомда ҳаракат қила билиши керак.



Саҳнадаги актёрнинг юриш-туришини кузатар эканмиз биз ҳеч қачон: “Қаранг, у нақадар яхши ўйнапти-ю, лекин ёмон ҳаракат қиляпти” - дея олмаймиз. Агар у саҳнада ёмон ҳаракат қилган экан, шубҳасиз ролни ҳам ёмон ўйнаган бўлади. Айни вақтда биз: “Қаранг, актёр нақадар ёмон ўйнапти, лекин у яхши ҳаракат қиляпти”, - дейдиган бўлсак, у ҳолда актёрнинг нафис ҳаракатлари рол билан, образнинг ғоявий мазмуни бир-бирига мутлақо боғланмаган бўлади.

Актёрнинг нафис ҳаракатлари спектаклнинг бутун моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлмоғи лозим. Б. Юлдошев саҳналаштирган “Келинлар кўзғолони”, Р. Ҳамидовнинг “Қиёмат қарз”, Т. Азизовнинг “Гамлет”, А. Исмоиловнинг “Муқаддас тахтизар”, И.В. Радун саҳналаштирган Софоклнинг “Шоҳ Эдип”, А.О. Гинзбург саҳнага қўйган Шекспирнинг “Юлий Сезар”, Т. Хўжаев талқинидаги М. Каорунинг “Ўғирланган умр” ва кўплаб спектакллар Ўзбек миллий академик драма театрининг улкан ютуқларидан саналади.

Бунинг сабаблари кўп, лекин асосийларидан бири-пьесанинг ғоявий мазмунини саҳнавий ифодалашда, ҳар бирининг ўзигагина яраша ритмик жиҳатдан аниқ, нафис, пластик таъсирчан шаклий ечимга эга бўлишидир.

Спектаклни муваффақиятли саҳналаштирилишида режиссёр томонидан спектакль жанрининг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаб олиши катта аҳамиятга эгадир.

Актёр учун сахнавий шарт –шароит психологик драма, комедия ёки трагедия кабиларнинг ҳар бирида, бир-биридан фарқли фақатгина ўзигагина хос бўлади.

Психологик драмадаги сахна “ҳақиқати”, комедиядаги сахна “ҳақиқати”дан фарқ қилади. Шу боис режиссёр билан актёр ҳар бир спектаклнинг фақат ўзигагина хос бўлган ҳақиқатни топишлари керак.

Фикрлаш ёки сўзлаш усули каби ҳаракат қилиш, имо-ишоралар, гавдани тутиш ҳам инсон табиатига хос бўлган одатлардир. Улар ҳар кимда ҳар хил бўлади. Актёр образ моҳиятини тушуниб, асар услубини ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилиши лозим.

Масалан, Молер асарларидаги зодагон аёл ролини ижро этаётган актрисанинг сахнадаги майин, назокатли ҳаракатлари албатта ўринлидир. Бироқ худди шу ҳаракатларни курашчи, футболчи ёки бошқа касб эгаси ҳисобланган аёл



образлари учун ишлатилса, мутлақо беўхшов чиқади.

Нафис ҳаракатлар ички кечинмаларни ифодалашда жонли сўздан қолишмайди. Имо-ишоралар билан гавда ҳаракати уйғун бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳаракат фақат имо-ишоралар билангина ўзининг тўлалигини таъминлайди.

“Биздаги завқ-шавқларнинг аксарияти, - деган эди Дарвин - ўзининг ташқи ифодаси билан шу қадар чамбарчас боғланганки, бундай вазиятда гавданинг лоқайд туришини ақлга сиғдириб бўлмайди”.

Актёр ўз гавдасини мукаммал бошқара билиши лозим. Токи унинг боши, кўзи, кўли ва бармоқлари сахнадаги энг мураккаб психологик вазифаларни бажара олсин. Кўпинча биргина оқилонанигоҳ ёки оддий бир имо-ишора образдаги унутилмас психологик характерни яратиши мумкин. Актёрлар ўрганиши лозим бўлган нафис (маъноли) ҳаракатлар инсон гавдаси имкониятларида мужассам бўлиб, ундан фойдаланишнинг ўзига яраша қонунқоидалари бор. Улар инсон психологияси, унинг ички дунёси билан узвий боғлиқдир.

”Сўзсиз хатти-ҳаракат билан шуғулланганда тананинг ҳар бир қисмини тўғри бошқара олиш муҳим аҳамият касб этади. Бошқара олиш деганда фақатгина имо-ишорани ишлатиш ёки хатти-ҳаракатни бажариш эмас, етарли даражада маънодор ва таъсирчан тана ҳам бўлиши лозимлиги назарда тутилмоқда. Бунинг учун бажарувчи фақат ҳаракат қилишдан ташқари, юракдан ҳис қилиши ва бу баданида акс этиши лозим бўлади”.²

Ҳар бир актёр алоҳида ҳолда (яъни янги рол ижросида) образнинг



ўзигагина хос хусусиятларига мос келадиган хатти-ҳаракатлар қонуниятини яратиши керак. Улар кўп қиррали, чуқур психологик характердан туғилади.

Маида, кўз илғамас хатти-ҳаракатлардан баъзан ёрқин бир образ характери, унинг ички дунёси яратилиши мумкин.

Машҳур актёрлар ўзлари ижро этган образларга бошдан оёқ сингиб кетганлар. Олим Хўжаев, Қудрат Хўжаев, Наби Рахимов, Шукур Бурхонов, Сойиб Хўжаев, Саъдихон Табибуллаев, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Лутфихоним Саримсоқова, Марям Ёқубова, Обид Жалилов, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Зикир Мухаммаджонов, Яйра Абдуллаева, Ёқуб Ахмедов, Воҳид Қодиров, Аббос Бакиров, Ҳайрулла Саъдиевларлар ўз қаҳрамонларининг оёқ босиши, юриш-туриши мантиқан тўғри ва шаклан ёрқин бўлишига эришганлар. Уларнинг бой репертуарларидаги ҳар бир қаҳрамон “актёр оёғи билан эмас, балки образидаги оёғи ҳаракат қилган”.

Бунинг замирида эса нафақат улкан иқтидор, балки катта меҳнат бор. К.С.Станиславскийнинг машҳур бир ўғити актёрларнинг ёдида бўлиши керак.

² Ch. Aubert. “The art of pantomime”. Mineola, New York. 2003 y.

“Актёр битта образ яратиши учун кетадиган вақтининг 90 фоизини репетициядан ташқарида бўладиган уй машқларига сарфлаши керак”.³

Кўпчилик актёрларнинг иш тажрибаси бу ҳисоб-китобга тўғри келадими? Афсуски йўқ. Ҳозирча актёрнинг рол устида қиладиган асосий иши фақат ташқи қиёфага оид элементларни ўрганишдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, образнинг хатти-ҳаракатларини катта кўзгу олдида машқ қилиши, ички ҳолатларига ҳамоҳанг бўлишига эришиши лозим.

Ташқи қиёфага хос хусусиятларнинг аксарияти актёрдан махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Улар репетиция давомида образ актёрнинг ички дунёсига аста-секин кириб бориши жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Агар унинг ички ва ташқи техникаси уйғунлашган, яъни ҳамоҳанг бўлса, у шак-шубҳасиз, тўлақонли, ёрқин образ яратиш имкониятига эга бўлади ва сахнада муваффақият қозонади.

Лекин ташқи қиёфага оид айрим элементлар гуруҳи борки, улар ички техникага бўйсунмайди. Аксинча, улар инсон ички дунёсига таъсир қилиб, чуқур из қолдиради. Бу элементлар гуруҳига муайян шахсларнинг ташқи кўриниши: озғин, семиз, букур, гўзал, жисмонан кучли, соқов, шапқўр, чўлок, қар қаби анатомик ва физиологик хусусиятлар киради.

Масалан, Ричард III оқсоқ ва бадбашара бўлган, Хлестаков – озғин, Земляника – семиз, Сирано де Бержеракнинг бурни ҳаддан ташқари узун, “Бой ила хизматчи”да бойнинг қорни катта бўлгани кўпчиликка маълум.

Актёр ташқи қиёфага оид бу элементлар устида албатта репетициядан кейин уйда ишлаши лозим. “Букур” бўлиш ёки “Қорин кўйиш”, оёқсиз ва кўзсиз юришга ўрганиш, ҳамиша умуртқаси оғриб турадиган одам ҳолатига кириш ёки ўз бадбашаралигини доим яширишга ўрганиш оддий иш эмас. Бу элементларни рўёбга чиқаришда фақат ташқи техникавий усуллар билан кўп нарсага эришиб бўлмайди. Актёр жисмонан мажруҳ бўлган образларнинг ҳар бирига руҳий, ҳам жисмонан “органик” тарзда мослашуви, яъни ҳақиқатдан оқсоқ, ҳақиқатдан ожиз, ҳақиқатдан қар одам бўлишга интилиши лозим.

Соғлом одам учун стулдан туриш ҳеч гап эмас, лекин дардчил ёки семиз одам учун бу иш анча мушкул. Актёр семиз одамнинг стулдан тураётган пайтда мушаклари қандай қисқаришини билиши, унинг юрак уришини, зил-замбил бўлган вужудини ҳис қила олиши керак. Шуларни билган актёр жисмоний зўриқишнинг руҳиятига таъсирини ҳам яхши тушунади.

Семиз одам ролини ижро этувчи актёр, масалан: “Ушбу образ учун турли машқлар шарт эмас, қорнимга махсус ёстикча бойлаб ўйнайвераман,



³ K.S Stanislavskiy . Aktyorning o‘z ustida ishlashi. -Toshkent: Yangi asr avlodi, 2011.

вассалом”, - деб ўйласа қаттиқ янглишади. Чунки, бу аҳволда актёрнинг озгин гавдаси, сунъий қорин ўрнатилганлиги ортидан яққол сезилиб қолади.

Натижада, кўзланган мақсад пучга чиқади, томошабинлар сахнада семиз одамни эмас, уларни алдаётган озгин актёрни кўрадилар холос. Турли-туман сахналарда ўйнаётган бундай “ёстикчали бақалоқлар” озмунчами?!

Сунъий қорин-ёстикча актёр гавдасига мослашиб, органик жиҳатдан кўшилиб кетиши учун аввало ёстиксиз семиз бўлишига, тепса-тебранмас кишининг одатларини ўзлаштириб, ўзида “ижодий қоринча” яратиш керак. Ташқи қиёфа элементлари устида ишлашда персонажнинг устки кийимларига асосланган хатти-ҳаракатларига катта аҳамият бериши лозим.

Масалан, хон костюмини (чопон, халат, салла), рус зодагони кийимида ўйнаган актёрнинг юриш-туриши XVIII аср камзули ёки замонавий либосни кийган қаҳрамонларга мос келмайди. Шубҳасиз, ҳар бир костюм маълум бир ҳаракат, одат, юриш-туришлар билан боғлиқдир.

“Қаҳрамоннинг чўлоқ, букрилиги актёрнинг ташқи кўринишидан кўриниб турсада, унинг салбий характерга эгаллигини, ёшини, мансабини пластик ва пантомимик ҳаракатларида ифодалаш учун жисмоний етукликка эришган бўлиши керак. Театр ва кино актёри рол ижро этиш жараёнида турли ифодавий воситаларидан фойдаланади. Шу жумладан пантомима жанридан ҳам. Актёр ижро давомида қаҳрамонининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, атрофдагиларга муносабатини таъсирли нутқи билан ҳам изоҳлаши мумкин. Бироқ, тана аъзоларини ишга солган ҳолда мимика ва пантомимадан фойдаланса, ролнинг аниқлиги, томошавийлиги ошади. Бу эса томошабиннинг ўша актёрнинг истеъдодига нисбатан хурматини оширади”.⁴

Баъзи актёрлар биринчи репетициядаёқ сахна костюмини талаб қиладилар. Уларнинг фикрича, костюмга кўникиш зарур. Бироқ у ёки бу костюмга кўникишдан олдин унда қандай юришни ўрганиб олиш лозим.

Актёр одатдаги кийимда қолиб фракда, ҳарбий мундирда, черкасада, руҳоний қуббасида юргандек ўзини эркин ҳис қилиши учун жуда кўп меҳнат қилиши лозим.

Ташқи қиёфага оид элементлар орасида инсон касб-кори билан боғлиқ бўлган хусусиятлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Улар образнинг ички дунёси билан узвий боғлиқ бўлмаса-да, лекин унга бир мунча таъсир кўрсатади.

Ташқи қиёфа устида ишлашда миллий ва маҳаллий хусусиятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.



⁴ Ch. Aubert. “The art of pantomime”. Mineola, New York. 2003 y.

Инсон маънавий дунёсига алоқадор бўлмаган, лекин гавданинг анатомик тузилиши, унинг физиологик хусусиятига боғлиқ бўлган ташқи қиёфага доир ҳаракатларни репетициядан кейин, уйда машқ қилиш керак. Ташқи элементлар устида ишлаш ташқи техникадан – ички техникага ўтиш қонуниятига бўйсунди.

К.С. Станиславский “онгли тарзда ўзлаштириб олинган актёрлик техникасидан оқилона фойдаланишга ўтиш” тамойили актёр ишининг асоси бўлиши керак, деб уқтирган эди.

Театр оламининг кўпгина вакиллари жисмоний машқларнинг муҳим аҳамиятини аллақачон тушуниб етдилар. Профессионал маҳоратини ўстириш билан бирга жисмоний тарбияга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар.

Жисмоний тарбия билан спорт актёр машқлари орасида мустаҳкам ўрин эгаллаши зарур. Акробатика, гимнастика, енгил атлетика, қайиқда сузиш, шунингдек спорт ўйинларидан – теннис, баскетбол, волейбол, қиличбозлик билан мунтосам шуғулланиб туриш актёрнинг жисмонан кучли бўлиши ва нафис маъноли сахнавий ҳаракатга эга бўлишига катта ёрдам беради. Зеро мунтосам машқ қилиб турган актёрнинг мушаклари ҳамиша бардам ва гўзал бўлади. Спорт актёрга зарур бўлган ҳаракатлар – чакқонлик, сабот, гўзаллик, нафосат, ритм, шиддат, завқ-шавқ ва шериклик ҳиссиётларини кучайтиради.

Назорат саволлари:

1. Саҳнада таъсирли хатти-ҳаракат қилиш учун нималарга аҳамият бериш керак?
2. А.Н.Островский актёр хатти-ҳаракати ҳақидаги фикрлари.
3. Актёр гавдасини бошқара олиш хусусида қандай тавсиялар бор?
4. Машҳур устоз санъаткорлардан кимлар сизга маълум?
5. К.С.Станиславскийнинг машҳур ўғитида қандай фикрлар мавжуд?
6. Ташқи қиёфага оид қандай элементлар мавжуд?
7. Ташқи қиёфа билан боғлиқ образларга қандай мисоллар мавжуд?
8. Спортнинг актёр фаолиятига қандай таъсири бор?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А Каримов . Юксак маънавият-егилмас куч. - Т.: Манавият. 2008.
2. А.Ф Исмоилов . Саҳна қиличбозлиги. – Т. 2007.
3. А.Б Немировский . Пластическая виразителност актёра.- М.: Искусство. 1976.
4. К.С Станиславский . Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Т.: Янги аср авлоди. 2011.
5. Б. Сайфуллаев., Ж. Маматқосимов. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технологий. 2012.
6. А. Исмоилов, Ш. Усмонов, Д. Исмоилов . Саҳна ҳаракати ва жанги. - Т.: Навруз. 2015.
7. Ch. Aubert. “The art of pantomime”. Mineola, New York. 2003 y.

2-мавзу: Илғор хорижий мамлакатлар (Россия, Италия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония) театр ва кино санъатида хореографик элементлар ва жанг саҳналарини саҳналаштириш услубларини ўрганиш ва таққослаш

Режа:

- 2.1. Саҳна асарларини етуклик даражасига олиб чиқадиган омиллар.
- 2.2. Актёрнинг ҳаракат меёри.
- 2.3. Педагог Эмил Жон-Долкроздан ритм ҳақидаги фикрлари.
- 2.4. Актёрлик маҳоратида пластиканинг вазифалари.

Таянч иборалар: саҳна асарлари, педагог, ритм, кампозитор.

2.1. Саҳна асарларини етуклик даражасига олиб чиқадиган омиллар.

Саҳна асарини етуклик даражасига олиб чиқадиган пухта драматургия бу режиссёрлик талқини бўлса, уларнинг асосий ғояларини томошабинга етказиб, ҳаяжонга келтирадиган бу ижрочининг сўз санъатидир. Лекин бу икки омилни юзага чиқарувчи, уни томошабин олдида турли саҳнавий хатти-ҳаракатлар орқали юзага чиқарувчи бу актёрнинг пластикасидир. Шундай экан режиссура учун сўз ва маҳорат нақадар муҳим бўлса, ушбу муҳимликни амалга оширувчи актёр пластикасидир.

Актёр ва бошқа ижрочилар, жумладан миллий театр санъати ижрочилари саҳнадаги етакчи хатти-ҳаракати асосини унинг пластик ҳаракати ташкил этади.

Пластика актёрга жуда ҳам зарур бўлган бадан бўшатиш, майин ва нозик ҳаракатлар қилиш ёки бўлмаса, керак вақтда тез ва кескин ҳаракат қилиб мушакларни кераклигича ишлата билиш ҳолларини ўрганишда ҳам ёрдам беради.

Актёрда тўлақонли маҳоратни шакллантиришда унинг сахнавий ҳаракати ва фаоллигини ривожлантириш лозим. Енгил югура олиши, олдинга-орқага, юқорига сакраб ҳаракат қилиши, рисарларнинг жанг қилиши вақтида икки оёқ мушакларининг керакли меёрда ишлашини таъминлашда пластиканинг ўрни катта.

Пластика худди спорт каби талабани жисмонан ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва ҳамиша бунёдкорлик кайфиятини уйғотувчи санъатдир.

Мунтазам спорт билан шуғулланувчилар жисмонан бакуват, руҳан тетик бўлганларидек, пластика санъати билан шуғулланувчи талабалар ҳам ҳамиша жўшқин, ғайратли, шижоаткор бўладилар. Пластика билан шуғулланувчи талабаларнинг тана аъзолари ғоят мутаносиб ривожланади ва гўзаллик тушунчасининг барча талабларига мос келувчи мукамаллик-грасия касб этади. Пластика инсонда грасия, мусиқийлик ва саломатлик каби бебаҳо фазилатларни тарбиялайди, шунингдек психологик жиҳатдан қараганда гўзаллик ва мукамалликни талабада руҳлантиради, меҳнат ва ижодга рағбатлантиради. Пластика шундай кучга эгаки, томошабин хоҳ санъат йўлидаги талаба бўлсин ёки оддий мухлис, сахнавий хатти-ҳаракатга шунчаки юзаки қараб бўлмайди, балки уни юрак-юракдан ҳис этиш, унинг ҳиссий моҳияти ва ритмик-пластик асосларини чуқур тушуниш, идрок этиш руҳида тарбияловчи муҳим омилдир.

Ўз ҳаракатининг керакли, тўғри меёрини топиш, вазифага мос ҳаракатнинг қонунийлигини илғаш лаёқати, айнан ритмга мойил ва меёрий туйғуга эга бўлган актёрнинг асл фазилати саналади. Меёрий тўғри ҳаракат, айна пайтда мазкур шароитдаги ягона бўлган тўғри ва табиий ҳаракат ҳамдир. Шунинг учун ўз ҳаракатларини, фаолиятини, нутқий ижросини намоёйиш этаётган актёр, шаклланган меёрий туйғуга эга бўлиши лозим.

Актёрнинг тилга олинган мазкур ритмга оид тайёргарлик тизимиغا XIX асрнинг охирларида бадий тарбия соҳасида янги сўз айта олган швесиялик мусиқачи-педагог Эмил Жак-Далкрознинг ғоялари асос қилиб олинган.

Мусиқий-назарий фанлар бўйича Женева консерваторияси талабаларига таълим бераётган Жак-Далкроз уларнинг ўрганилаётган мусиқий асарларининг меёрий хусусиятларини илғай ололмаётганларини кўриб, улардаги меёрий лаёқатларни ривожлантириш мақсадида, хатти-ҳаракатларни қўллай бошлади.

Ишни солфеджио дарсларида хилма-хил тезликда ва кўламдаги дирижёрлик ишоралари – ҳаракатларини киритишдан бошлаб, босқичма-босқич турфа ҳаракатларни – қарсакни, кадамни, югуришни, сакрашни ва ҳоказоларни қўллади ҳамда уларни мусиқий ритмлар билан бошқара бошлади. Буни қарангки, бу хил машғулотлар нафақат меёр туйғусининг ривожига, балки талабалар кайфиятига ва саломатлигига ҳам ижобий таъсир этаркан, қолаверса бир қатор жисмоний ва руҳий камчиликларни тузатиш устида ҳам муваффақиятли ишлаш имконини бераркан. Бундан ташқари, хилма-хил мусиқий парчаларнинг ритмларига хатти-ҳаракатни бўйсиндириш орқали,

Жак-Далкроз ҳаракатни ҳаяжонли тарзда акс эттириш, унга мазмунли шакл-шамойил бериш, жамоавий ритмга оид кўринишларни ташкил этиш борасидаги янги имкониятга эришиш йўллари топди. Жак-Далкроз ўз тизимини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш давомида бу ишга турли касб вакиллари – педагоглар, муסיқачилар, шифокорлар, кейинроқ эса театр ходимлари ва мусаввирларни ҳам жалб этди. “Бизнинг машғулотларимиз санъатга бўлган умумий тайёргарликлардан иборат, - деганди Жак-Далкроз ва бу сўзлари билан ритмга оид тарбиянинг моҳиятини тўғри ифодалаб берган эди.”⁵

Муסיқа ва ҳаракат ритмик машғулотларнинг асосий воситасини ташкил этади. Турли йўналишлардаги мавзуларни ритмик ҳаракатларда акс эттириш – бу ҳаракатнинг асосий услубини ҳамда меёр туйғусини ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи ягона йўлдир.

Актёрлик маҳоратини оширишда пластика қуйидаги вазифаларни бажаради: муסיқа билан яшаш санъатини ўргатади; муסיқа билан ўзаро ички ҳиссиётлари орқали суҳбатлашиш ва ритмни сезишни, муסיқага мос ҳаракатни ривожлантиради; актёр мускулларининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди, нозик ва нафис ҳаракатлар орқали ижодий маҳоратнинг ривожланишини таъминлайди; муסיқий парчаларнинг табиатини, жўшқинлиги ва уларга мос ҳаракатлар топа олиш санъатини кучайтиради; актёрнинг саҳнавий диққатини ривожлантиради, саҳнавий ҳамроҳи билан ижодий ҳамкорликни юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади; нафақат ўз ҳаракатларида, балки саҳнадошлари билан бўлаётган умумий ҳаракатларни бир хилликда бажариш яъни синхрон ҳаракатга эришади.

Актёрнинг барча саҳнавий ҳаракатлари ритмга мос ҳолатда бўлиши керак. У саҳнада образ яратиш жараёнида рақс тушиши, сакраши, акробатика унсурларини ҳам ижро этиши керак. Ундан асосий эътиборни ҳаракатларнинг меёрига, яъни, ҳаракат унсурларини мавжуд макон ва замонда тақсимланишига, мушаклар таранглашувини бошқаришига қаратиш баробарида, ҳаракатлар ижросининг техникасини ҳам унутмаслиги талаб қилинади.

Актёрда ритмга мос ҳаракатланишнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, ҳаракатнинг катта қисми жамоа билан бажарилади. Гуруҳлар ва алоҳида шахслар ўртасида муסיқий парча қисмлари ва фразаларини бўлиб бериш, ўша гуруҳларни, олдиндан белгиланган тартибда, саҳна бўйлаб ҳаракатлантириш – бу ритмга оид дарсларда тез-тез қўлланиладиган иш услубидир. Белгиланган муддатдан илгари умумий ҳаракатга қўшилиш, саҳнада нотўғри ҳаракатланиш, иштирокчининг қайси бири бўлмасин, олдиндан қабул этилган ҳаракат режасини билмаслиги умумий вазифани бузади, уни яқунлашга имкон қолдирмайди. Бу эса барчадан хушёр туришни, саф тортиш чизиқлари қандай бўлса, гуруҳ ёки алоҳида шахслар тақсимооти ва

⁵ Y. Konorova, Ritmika. Choʻlpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi -T. 2006.

харакатланиши ҳам шу чизиклар бўйича аниқ ўз ўрнида бўлишини тақозо этади, яъни, бошқача қилиб айтганда, санъаткорда сахнада ва жамоада ўз ўрнини билиш лаёқатини шакллантиради.

2.2. Актёрнинг ҳаракат меъёри

Актёрнинг ички дунёси қанчалик бой, унинг ижодий тушунчалари қанчалик чуқур бўлиши давримиз руҳини, унинг прогрессив тараққиёти



ривожини шунчалик кенг ва ишончлилигини ифодалаб беради. Бу борада кўплаб тизимлар вужудга келган ва оқибат инқирозга учраган, ҳалок бўлган. Вақт тақозоси образнинг ҳаётий ва бадиий барқарорлигини тасдиқлаб келган. У образни ранго-ранглигини, кескин ўзгаручанлигини ақида сифатида эмас, балки унинг ҳаётий эканлигини ва абадий яхлитлигини тасдиқлаб, унинг тубанлашувидан сақлаб қолган. Актёр ўз вужудини маҳорат билан ҳар кўйга эркин сола олиш, маҳорати фақат кўшимча меъёр, форманинг бутунлигини ифодалаш учунгина эмас, балки ички дунёсининг кенглигини ифодалашда давр тақозоси эканлигини кўрсатади. Вақт шуни кўрсатадики, ҳозирги замон театри инсоннинг ички дунёсини очиб бериши учун актёрга барча имкониятларини яратиб берган. Реализм, ҳақиқат санъатимизнинг негизи эканлигини вақтнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Актёр меҳнатининг аҳамияти шундан иборатки, унинг ижро этаётган роли тамошабинларнинг қалбида чуқур жой олишдир. Ҳозирги замон актёри

”абсалют” эшитиш қобилиятига эга бўлиши, вақт талабини эшита билиши ва у билан ҳамоҳанг қадам босиши керак.

Замонамиз актёри маҳорати шундан иборатки, у ўзлигини сақлаган холда шаклини ўзгартира олиши ва замон билан қадам-бақадам бўлиши керак. Бу эса актёр шахсининг бетакрор ёрқинлиги ва шахсий ҳиссий қобилияти, жисм ва руҳиятини пластик ҳаракати, нутқи билан ҳамоҳанг бошқара олишдан иборат.

“Актёр самимий ҳиссиёт билангина эмас, балки уни акс эттириб, кўрсата олиши лозим. Бунинг учун унинг бутун жисми тайёр ва ривожланган бўлиши керак,- деган К.С. Стансловский,- у ниҳоят даражада ва хушёр турли ҳиссий кечинмаларга муносабатини билдириб, унинг нозик томонларини кўрсатиб эшиттира олиши керак.”

Одам жисмининг ифода ҳаракати беқиёсдир. Унинг ҳаракат жилолари рассомларнинг эътиборини доим ўзига тортиб келган. Биз қадим юноннинг санъатига қойил қолиб келганмиз, унда инсоннинг жисмоний маданияти юқори баҳоланиб келган, бинобарин, рассомлар ижодида маданият ўзининг ҳам юксак ифодасини топган. Бизни антик рассомлар ва Рембрант полотнолари, Роден ва Мухинанинг ҳайкалтаршлик гуруҳлари ўзига ром этиб келади. Драматик актёр томошабинларга ўз таъсири билан инсоннинг имконияти чексизлигига ишора қилади.

Драматик актёр томошабинга таъсири билан инсон ўзлигини намойиш этади. У томошабин таъсирини идрок этади. Актёр ижодида барчаси мужассамланган. Театр санъатида ҳамма нарса муҳим, овоз ҳам, пластик ҳаракат ва “саҳнадошини ҳис этиш”, либоси ҳам.

Маълумки, ҳар қандай спектаклни саҳналаштиришда шакл ва мазмун бирлиги ётади. Форма мазмунни шаклга айлантиради, мазмун формани ҳаётга чорлайди. Театримизнинг ҳаётида яратилган катта ижод ҳақиқати одамларнинг онгини ўзига шу билан жалб этдики, зеро шакл ва мазмун бири-бири билан уйғунлашиб келган. Бу ҳаммага маълум ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, бироқ биз баъзан яхшигина тасвирларга яхши спектакльлардан кўра кўпроқ дуч келамиз. Афтидан ният яхшига ўхшайди, актёрлар ҳаммасини англаб олишган, лекин шу билан бирга томошабин спектаклга нисбатан бефарқ бўлади. Бунинг боиси нимада?

Спектакль ёрқин таъсирчан эмаслигига сабаблар албатта, кўп. Булардан бири шуки, актёрлар шакл яратиш устида ишлашни истамайдилар ёки билмайдилар ва ҳақиқий кечинма оқибати ўлароқ шакл ўз-ўзидан пайдо бўлади деб ишонадилар. Яна шуки, эътиборларини кўпроқ ички ҳиссиётга (интуиция) берилиб, саҳна ҳаракатига эътибор бермайдилар. Ваҳоланки фақат саҳна ҳаракати ва шу усуллардан тўғри фойдаланиш саҳна ҳаётига аниқ ва равшан нафислик киритади. Боз устига бунга К.С. Стансловский шахсини баҳона қилиб рўқач қилишади. Лекин Стансловский саҳна ҳаракати асосида ётган қонун-қоидаларни билиш лозимлигини ҳеч қачон инкор этмаган. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интуициянинг ўзи гарчи у “интуитив ҳис этиш” механизмлари психофизиология илмий томонидан ҳам охиргача чуқур ўрганилмаган бўлса ҳам у инсон тафаккурида аввал ҳам чуқур ўрнашиб

қолганини эътироф этилади. Бинобарин, педагогик тажриба шуни кўрсатадики, гарчи биз шакл актёрнинг ижодий жараёнида интиутив равишда пайдо бўлади десак, унинг ҳиссий гавдалантириш аппарати аввалдан мослашган бўлиши керак. Актёр сахнада турли ҳаракатлар маҳоратига эга бўлиши керак.

Сахна асарини етуклик даражасига олиб чиқадиган пухта драматургия бу режиссёрлик талқини бўлса, уларнинг асосий ғояларини томошабинга етказиб, ҳаяжонга келтирадиган бу ижрочининг сўз санъатидир. Лекин бу икки омилни юзага чиқарувчи, уни томошабин олдида турли сахнавий хатти-ҳаракатлар орқали юзага чиқарувчи бу актёрнинг пластикасидир. Шундай экан режиссура учун сўз ва маҳорат нақадар муҳим бўлса, ушбу муҳимликни амалга оширувчи актёр пластикасидир.

Актёр ва бошқа ижрочилар, жумладан миллий театр санъати ижрочилари сахнадаги етакчи хатти-ҳаракати асосини унинг пластик ҳаракати ташкил этади.

Пластика актёрга жуда ҳам зарур бўлган бадан бўшатиш, майин ва нозик ҳаракатлар қилиш ёки бўлмаса, керак вақтда тез ва кескин ҳаракат қилиб мушакларни кераклигича ишлата билиш ҳолларини ўрганишда ҳам ёрдам беради.

Актёрда тўлақонли маҳоратни шакллантиришда унинг сахнавий ҳаракати ва фаоллигини ривожлантириш лозим. Енгил югура олиши, олдинга-орқага, юқорига сакраб ҳаракат қилиши, рисарларнинг жанг қилиши вақтида икки оёқ мушакларининг керакли меёрда ишлашини таъминлашда пластиканинг ўрни катта.

Пластика худди спорт каби талабани жисмонан ривожлантирувчи, соғломлаштирувчи ва ҳамиша бунёдкорлик кайфиятини уйғотувчи санъатдир.

Мунтазам спорт билан шуғулланувчилар жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлганларидек, пластика санъати билан шуғулланувчи талабалар ҳам ҳамиша жўшқин, ғайратли, шижоаткор бўладилар. Пластика билан шуғулланувчи талабаларнинг тана аъзолари ғоят мутаносиб ривожланади ва гўзаллик тушунчасининг барча талабларига мос келувчи мукамаллик-ғрасия касб этади. Пластика инсонда ғрасия, муסיқийлик ва саломатлик каби бебаҳо фазилатларни тарбиялайди, шунингдек психологик жиҳатдан қараганда гўзаллик ва мукамалликни талабада руҳлантиради, меҳнат ва ижодга рағбатлантиради. Пластика шундай кучга эгаки, томошабин хоҳ санъат йўлидаги талаба бўлсин ёки оддий мухлис, сахнавий хатти-ҳаракатга шунчаки юзаки қараб бўлмайди, балки уни юрак-юракдан ҳис этиш, унинг ҳиссий моҳияти ва ритмик-пластик асосларини чуқур тушуниш, идрок этиш руҳида тарбияловчи муҳим омилдир.

Ўз ҳаракатининг керакли, тўғри меёрини топиш, вазифага мос ҳаракатнинг қонунийлигини илғаш лаёқати, айнан ритмга мойил ва меёрий туйғуга эга бўлган актёрнинг асл фазилати саналади. Меёрий тўғри ҳаракат, айни пайтда мазкур шароитдаги ягона бўлган тўғри ва табиий ҳаракат ҳамдир.

Шунинг учун ўз ҳаракатларини, фаолиятини, нутқий ижросини намоёниш этаётган актёр, шаклланган меёрий туйғуга эга бўлиши лозим.

2.3. Педагог Эмил Жон-Далкроздан ритм ҳақидаги фикрлари.

Актёрнинг тилга олинган мазкур ритмга оид тайёргарлик тизимиغا XIX асрнинг охирида бадий тарбия соҳасида янги сўз айта олган шведиялик мусикачи-педагог Эмил Жак-Далкрознинг ғоялари асос қилиб олинган.

Муסיқий-назарий фанлар бўйича Женева консерваторияси талабаларига таълим бераётган Жак-Далкроз уларнинг ўрганилаётган муסיқий асарларининг меёрий хусусиятларини илғай ололмаётганларини кўриб, улардаги меёрий лаёқатларни ривожлантириш мақсадида, хатти-ҳаракатларни кўллаш бошлади.

Ишни солфеджио дарсларида хилма-хил тезликда ва кўламдаги дирижёрлик ишоралари – ҳаракатларини киритишдан бошлаб, босқичма-босқич турфа ҳаракатларни – қарсақни, кадамни, югуришни, сакрашни ва ҳоказоларни кўллади ҳамда уларни муסיқий ритмлар билан бошқара бошлади. Буни қарангки, бу хил машғулотлар нафақат меёр туйғусининг ривожига, балки талабалар кайфиятига ва саломатлигига ҳам ижобий таъсир этаркан, қолаверса бир қатор жисмоний ва руҳий камчиликларни тuzатиш устида ҳам муваффақиятли ишлаш имконини бераркан. Бундан ташқари, хилма-хил муסיқий парчаларнинг ритмларига хатти-ҳаракатни бўйсиндириш орқали, Жак-Далкроз ҳаракатни ҳаяжонли тарзда акс эттириш, унга мазмунли шакл-шамойил бериш, жамоавий ритмга оид кўринишларни ташкил этиш борасидаги янги имкониятга эришиш йўлларини топди. Жак-Далкроз ўз тизимини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш давомида бу ишга турли касб вакиллари – педагоглар, мусикачилар, шифокорлар, кейинроқ эса театр ходимлари ва мусаввирларни ҳам жалб этди. “Бизнинг машғулотларимиз санъатга бўлган умумий тайёргарликлардан иборат, - деганди Жак-Далкроз ва бу сўзлари билан ритмга оид тарбиянинг моҳиятини тўғри ифодалаб берган эди.”⁶

Муסיқа ва ҳаракат ритмик машғулотларнинг асосий воситасини ташкил этади. Турли йўналишлардаги мавзуларни ритмик ҳаракатларда акс эттириш – бу ҳаракатнинг асосий услубини ҳамда меёр туйғусини ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи ягона йўлдир.

Актёрлик маҳоратини оширишда пластика қуйидаги вазифаларни бажаради:

⁶ Y. Konorova, Ritmika. Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi -T. 2006.

мусиқа билан яшаш санъатини ўргатади;

мусиқа билан ўзаро ички ҳиссиётлари орқали суҳбатлашиш ва ритмни сезишни, мусиқага мос ҳаракатни ривожлантиради;

актёр мускулларининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди, нозик ва нафис ҳаракатлар орқали ижодий маҳоратнинг ривожланишини таъминлайди;

мусиқий парчаларнинг табиатини, жўшқинлиги ва уларга мос ҳаракатлар топа олиш санъатини кучайтиради;

актёрнинг саҳнавий диққатини ривожлантиради, саҳнавий ҳамроҳи билан ижодий ҳамкорликни юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади;

нафақат ўз ҳаракатларида, балки саҳнадошлари билан бўлаётган умумий ҳаракатларни бир хилликда бажариш яъни синхрон ҳаракатга эришади.

2.4. Актёрлик маҳоратида пластиканинг вазифалари.

Актёрнинг барча саҳнавий ҳаракатлари ритмга мос ҳолатда бўлиши керак. У саҳнада образ яратиш жараёнида рақс тушиши, сакраши, акробатика унсурларини ҳам ижро этиши керак. Ундан асосий эътиборни ҳаракатларнинг меёрига, яъни, ҳаракат унсурларини мавжуд макон ва замонда тақсимланишига, мушаклар таранглашувини бошқаришига қаратиш баробарида, ҳаракатлар ижросининг техникасини ҳам унутмаслиги талаб қилинади.

Актёрда ритмга мос ҳаракатланишнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, ҳаракатнинг катта қисми жамоа билан бажарилади. Гуруҳлар ва алоҳида шахслар ўртасида мусиқий парча қисмлари ва фразаларини бўлиб бериш, ўша гуруҳларни, олдиндан белгиланган тартибда, саҳна бўйлаб ҳаракатлантириш – бу ритмга оид дарсларда тез-тез қўлланиладиган иш услубидир. Белгиланган муддатдан илгари умумий ҳаракатга қўшилиш, саҳнада нотўғри ҳаракатланиш, иштирокчининг қайси бири бўлмасин, олдиндан қабул этилган ҳаракат режасини билмаслиги умумий вазифани бузади, уни яқунлашга имкон қолдирмайди. Бу эса барчадан хушёр туришни, саф тортиш чизиқлари қандай бўлса, гуруҳ ёки алоҳида шахслар тақсимооти ва ҳаракатланиши ҳам шу чизиқлар бўйича аниқ ўз ўрнида бўлишини тақозо этади, яъни, бошқача қилиб айтганда, санъаткорда саҳнада ва жамоада ўз ўрнини билиш лаёқатини шакллантиради.

Актёр меҳнатининг аҳамияти шундан иборатки, унинг ижро этаётган роли тамошабинларнинг қалбида чуқур жой олишдир. Ҳозирги замон актёри ”абсалют” эшитиш қобилиятига эга бўлиши, вақт талабини эшита билиши ва у билан ҳамоҳанг қадам босиши керак.

Замонамиз актёри маҳорати шундан иборатки, у ўзлигини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартира олиши ва замон билан қадам-бақадам бўлиши керак. Бу эса актёр шахсининг бетакрор ёрқинлиги ва шахсий ҳиссий қобилияти, жисм ва руҳиятини пластик ҳаракати, нутқи билан ҳамоҳанг бошқара олишдан иборат.

“Актёр самимий ҳиссиёт билангина эмас, балки уни акс эттириб, кўрсата олиши лозим. Бунинг учун унинг бутун жисми тайёр ва ривожланган бўлиши керак,- деган К.С. Стансловский,- у ниҳоят даражада ва хушёр турли ҳиссий кечинмаларга муносабатини билдириб, унинг нозик томонларини кўрсатиб эшиттира олиши керак.”

Одам жисмининг ифода ҳаракати беқиёсдир. Унинг ҳаракат жилолари рассомларнинг эътиборини доим ўзига тортиб келган. Биз қадим юноннинг санъатига қойил қолиб келганмиз, унда инсоннинг жисмоний маданияти юқори баҳоланиб келган, бинобарин, рассомлар ижодида маданият ўзининг ҳам юксак ифодасини топган. Бизни антик рассомлар ва Рембрант полотнолари, Роден ва Мухинанинг ҳайкалтаршлик гуруҳлари ўзига ром этиб келади. Драматик актёр томошабинларга ўз таъсири билан инсоннинг имконияти чексизлигига ишора қилади. Драматик актёр томошабинга таъсири билан инсон ўзлигини намойиш этади. У томошабин таъсирини идрок этади. Актёр ижодида барчаси мужассамланган. Театр санъатида ҳамма нарса муҳим, овоз ҳам, пластик ҳаракат ва “саҳнадошини ҳис этиш”, либоси ҳам.

Маълумки, ҳар қандай спектакльни саҳналаштиришда шакл ва мазмун бирлиги ётади. Форма мазмунни шаклга айлантиради, мазмун формани ҳаётга чорлайди. Театримизнинг ҳаётида яратилган катта ижод ҳақиқати одамларнинг онгини ўзига шу билан жалб этдики, зеро шакл ва мазмун бири-бири билан уйғунлашиб келган. Бу ҳаммага маълум ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди, бироқ биз баъзан яхшигина тасвирларга яхши спектакльлардан кўра кўпроқ дуч келамиз. Афтидан ният яхшига ўхшайди, актёрлар ҳаммасини англаб олишган, лекин шу билан бирга томошабин спектаклга нисбатан бефарқ бўлади. Бунинг боиси нимада?

Спектакль ёрқин таъсирчан эмаслигига сабаблар албатта, кўп. Булардан бири шуки, актёрлар шакл яратиш устида ишлашни истамайдилар ёки билмайдилар ва ҳақиқий кечинма оқибати ўлароқ шакл ўз-ўзидан пайдо бўлади деб ишонадилар. Яна шуки, эътиборларини кўпроқ ички ҳиссиётига (интуиция) берилиб, саҳна ҳаракатига эътибор бермайдилар. Ваҳоланки фақат саҳна ҳаракати ва шу усуллардан тўғри фойдаланиш саҳна ҳаётига аниқ ва равшан нафислик киритади.

Назорат саволлари:

1. Саҳна асарларини етуклик даражасига олиб чиқадиган омиллар нималардан иборат?
2. Актёрнинг ҳаракат меёри деганда нималарни тушунасиз?
3. Педагог Эмил Жон-Долкроздан ритм ҳақидаги фикрлари.
4. Актёрлик маҳоратида пластиканинг вазифалари деганда нимани тушунасиз?
5. Актёрда ритмга мос ҳаракатланишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А Каримов . Юксак маънавият-егилмас куч. - Т.: Манавият. 2008.
2. А.Ф Исмоилов . Саҳна қиличбозлиги. – Т. 2007.
3. Й. Конорова, Ритмика. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи -Т. 2006.
4. А.Б Немировский . Пластическая виразителност актёра.- М.: Искусство. 1976.
5. К.С Станиславский . Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Т.: Янги аср авлоди. 2011.
6. Б. Сайфуллаев., Ж. Маматқосимов. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технологий. 2012.
7. А. Исмоилов, Ш. Усмонов, Д. Исмоилов . Саҳна ҳаракати ва жанги. - Т.: Навруз. 2015.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини эгаллашда, амалий машғулотлар ўтказишда, илғор хорижий тажрибалар интеграциясини қўллаш.

Пластик таъсирчан образни яратиш учун актёр жисмонан ва руҳан маҳсус тайёр бўлиши шарт. Ушбу тайёргарлик актёрга шундай ташқи техникани ато этадики, унинг ёрдамида актёр исталган ҳаракатни енгил ва тўғри ижро эта олади.

Кузатувлар шуни кўрсатади, ёш актёрлар, одатда тажрибали актёрларга маъсулятни ортиб, нисбатан бўш ижро этишади, аммо ҳаммага маълумки, ёш организм учун ҳаракат қилиши осонроқ. Маълумки, бу фикр турмуш жараёни нуқтаи назарида тўғри бўлиши мумкин. Ёшлик сахна ҳаракатида ўз-ўзидан маҳорат ярата олмайди. Тажрибали сахна усталари сахна ҳаракатида ёшларга нисбатан сезиларли даражада таъсирчан ижро этадилар. Маълумки, ташқи ижро техникаси барча турдаги санъат каби театрда ҳам йиллар давомида меҳнат қилиш оқибатида етилади. Табиийки, театр ўқув юртларида тарбия бериш ва ўқитиш ёки бўлмаса хатто театрларда ишлаш жараёнларида ролдаги жисмоний ҳаракатларни таъсирчан ижро этилишини аввалдан таъминлаш мумкин эмасми, деган савол туғилади? Тажриба шуни кўрсатадики, тарбия бериш ва тайёрлаш мумкин экан. Акробатик ҳаракатлар кейинги вақтда кўпгина театрларда, айниқса комедия жанридаги пиеса, эртакларда образларни очиб беришда, сахнадаги талабларни ҳал этишда, образни ифодалаб беришда турли хил жилолар беришида фойдаланиладики, бу усул сахна ҳаракати динамикасини кучайтириш имкониятини беради. Театр ўқув юртларида акробатика маҳсус сахнанинг амалда зарур ва ажралмас қисмига айланиб қолар экан актёрга керак бўлган қатор сифатларини тарбиялаб беради: макон ва замонга мослашиш, аъзои баданнинг турли ҳолатлари ва таянч нуқтасини англаб олиши, тезда диққат марказини ўзгартириши; шерик ҳамда ижодий гуруҳни ҳис эта олиши; ўз куч ва имкониятларини чамалаб, етарли даражада дадиллик, ўз-ўзига ишонч, ҳаракатларида равон ва аниқликка эришишга интилоқ керак.

2-амалий машғулот: Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Қуйида келтириладиган машқлар Гимнастик ёғочлар билан бажарилади. Ушбу машқлар бўлғуси актёрлар, режиссёрларни танасини тарбиялашда катта ёрдам беради. Гимнастик ёғочлар билан бажариладиган машқлар умуртқа поғонасининг тўғри ривожланишида, елка, бўйин, тизза ва бошқа бўғинларни эркинлаштиришга катта ёрдам беради. Бундан ташқари талабалар “Таёқ хасса” машқи орқали хасса таёқлар (трост) билан юришнинг бир нечта турларини ўрганишади. Актёр сахнага чиққанда албатта қайсидир касб эгасининг ёки бирон бир қахрамоннинг характерини ижро этади. Ушбу машқ хасса таёқ орқали ҳар хил қахрамонларнинг характерларини топишда ёш актёрларга ёрдам беради. Гимнастик ёғочлар билан бажариладиган машқлар талабаларнинг сахнада бир-бирларини яхши ҳис этишини ҳам тарбиялайди. Яъни сахнадошни (партнёрни) ҳис этиш қобилиятини ривожлантиради. Акробатик ҳаракатлар театрда турли формаларда қўлланилади. Акробатик ҳаракатларга асосланган ёки алоҳида акробатик ибора ва комбинациялардан иборат бутун бир сахналар қўлланиши, шунингдек, акробатиканинг алоҳида кўринишлари ора-чора киритилиши мумкин.

Мана масалан, думалоқ ошиб (кульбит) юқоридан йиқилиши ёки сакраш (ичкари томон) эътиборлиси унча баланд бўлмаган (стол, курси, дераза) тўсиқлардан сакраб ўтиш-булар қўлга кўниш; юқорироқ баландликдан қўл ва оёқларга тушиш лозим (икки қўл ва оёқлар билан). Бу каби сакраш-йиқилишлар юқорига, узунасига, тўсиқлар (панжара, ариқ, дераза ва ҳоказо) ташланишда қўлланилиши мумкин. Ғилдирак ҳар турли тўсиқлардан сакраб ўтишга (стол, девор, диван ва ҳоказо) фойдаланилади. Сахна этюдларида фойдаланиладиган соф акробатик элементларини қўллашда акробатик машқларда орттирилган маҳорат ва тажрибалардан кенг кўламда фойдаланилади.

3-амалий машғулот: Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш.

Актёрлик маҳорати мактабидан маълумки сахнада секин ҳатти – ҳаракат қилиш атёр учун актив ҳаракатлардан кўра мушкулроқ вазифа. Актёр сахна секин лекин актив ҳаракатда бўлиши ҳам худди шундай вазифалардандир. Қуйида келтириладиган машқ актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўзлаштираётган талабалар учун сахнада секин ҳатти - ҳаракат қила олиш

қобилиятини шаклланишида ёрдам беради. Бундан ташқари ёш актёрларнинг елка, тирсак, кафт ва белдаги бўғинларини эркинлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга мусиқавийликни, мусиқани ҳис этиб, мусиқага мос хатти – ҳаракатлар қилиш каби қобилиятларини шакллантиришларида катта аҳамиятга эга. Саҳнада рол ижро этаётган актёр саҳнада буюмлар билан иш бажарар экан. Саҳнадаги буюмларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий бўлмайди. Ҳаракатлар аниқ-равонлиги, уйғунлиги ва эътибор талаб қилади. Акробатик машқларни ўрганиш жараёнида ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳар бир ҳаракатга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Машқ тушинтириб ёки кўрсатиб берилиши керак. Бордию, бу камлик қилса ва ижрочи машқни тўлақонли бажара олмаса, у ҳолда унга хийла енгил, ўзига мос машқларни топшириш керак. Мураккаб машқ ва комбинацияларни ўрганишда кўпинча унинг алоҳида унсурлари, таркибий қисмларига ажратиб кўрсатишнинг ўзи етарли бўлади. Аввалги машқлар ижросини тўла эгаллаб олмагунча, янги элементларни ўргатишга киришиш асло мумкин эмас, чунки кўзланган мақсадга эришиш нафақат унинг тезкорлиги эмас, балки вазифага тўғри ва методик ёндашишни талаб қилади, зеро қирқ мартта ўлчаб, бир мартта кес, деб бекорга айтилмаган, бу эса акробатиканинг туб элементларини чуқур ва жиддий эгаллашни таъминлайди. Индивидуал машқлар олдинма-кетинлигига риоя қилиб ижро этилиши керакки, оқибатда бутун группа машқ темпини пасайтирмасдан тезда такрорланишига имкон беради. Бу эса ижрочи дам олиши, ва бошқалар йўл қўйган хатоларни идрок этиб машқларни кунт билан ижро этиш имкониятига эга бўлади.

Акробатика машғулоти учун кенлиги бир ярим метр, қалинлиги ўн-ўн беш сантиметрли икки-учта бир-уч метрли мата бўлиши лозим. Матанинг устини ювишга яроқли ёпинчиқ билан қопламоқ керак.

4-амалий машғулот: Тарихий жанглари саҳналаштиришда шарқона жанг усулларида фойдаланиш. Мураккаб жанг саҳналарини, оммавий саҳналарни, катта хореографик композицияларни саҳналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида акс эттириш.

Спорт билан шуғулланган кишининг бадани ҳар доим тетик, ўйғок бўлади. Теран фикрлайди чакқон бўлади. Ҳазил мутойибага мойил бўлиш билан биргаликда жиддий, босиқроқ характерли бўлиб ҳар-хил енгил-елпи майиший хатти-ҳаракатлардан четда бўлади. Ана шундай теран ва соғлом фикр эгалари эса ўз юрти келажаги учун янгидан –янги инавацион ғоялар, лойиҳалар ихтирочиси бўладилар. Актёр ҳам саҳнада анашундай ўйғок,

диққатли, актив ва ҳар қандай кутилмаган (импровизацион) шароидга тайёр турмоғи лозим. Икки хил умбалок ошиши бор. Ҳар бир характернинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос таъзим ва саломлашиши, ҳассаларда юришлари, бир-бирларига мулозамат кўрсатишлари, жамоада ўзини тутиши, стол атрофида ўтиришлари, ҳар хил кийимлардаги ҳаракатлар, назокатлилиқ қоидалари ҳам шулар жумласидандир. Ижодкор характерда одатийлик ва индивидуаллилик. Ижодкорнинг руҳий ҳолати. Бадий асарда шакллар руҳий ҳолатини акс эттирилиши. Махсус хона, ҳар хил ашёлар, махсус стол, ва бошқа буюмлар керак бўлади.

1-кўчма машғулот: Хореография, сахна ҳаракати ва жанги фанини эгаллашда, амалий машғулотлар ўтказишда, илғор хорижий тажрибалар интеграциясини қўллаш.

Ҳаракат ва мусиқа. Сўзнинг ҳатти – ҳаракатдаги ифодаси актёр ижодида шунчалик аҳамиятга эга экан, пластик, ҳатти – ҳаракат ифодасини ривожлантирувчи, мукаммаллаштирувчи машқлар актёрнинг доимий ва кундалиқ машғулотига айланиши лозим. Бундан ташқари актёрнинг формаси деган ибора мавжуд. Бунга актёрнинг ҳатти – ҳаракатларга бойлиги, қомати, ортиқча вазнлардан сақланиши, нутқининг равонлиги, жисмоний имкониятлари ва образдаги ифодаси мужассамлашган. Айнан мана шундай имкониятларни ривожлантиришда сахна ҳаракати фани ва пластика фанини машғулотлари муҳим аҳамият касб этади.

2-кўчма машғулот: Хореографик либослар, тарихий жангавор кийимлар, тарихий либосларда ҳаракатланиш ва ўзига хос этикетлардан фойдаланиш.

Мураккаб машқлар бўлса техникани босқичма-босқич ва албатта яхшироқ ўзлаштириб олишлари учун хийла мураккаб усуллардан бошлаш керак, чунки улар кейинчалик осонроқ оддий элементлар устида ишлашда қайтарилади. Шу билан бирга ўқувчиларда машқлар ҳақида яхлит таассурот қолиши учун машқларнинг алоҳида кўринишлари орасидаги мантикий алоқалар сақланиб қолиши керак.

Машқлар тушунтирилганидан кейин ўқувчилар мустақил равишда машқ схемасини ўз тушунчалари бўйича тиклайдилар. Такрорлаш вақтида ушбу схема турли деталлар, ўзига хос асбоблар билан кўпаяди. Бу усул мураббийга зарурий ҳаракатлар ҳақида талабаларда қанчалик аниқ ва тез таассурот пайдо бўлганлигини кўриш ҳамда уларнинг эътиборлари, тасаввурлари, аниқ фикр юритишлари, шунингдек ижро сифати-ҳаракат уйғунлиги ҳақида фикр юритишга имкон яратади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи



1-вариант

1. “Темур тузуклари”да омилкорлик ва шафқатлилиқ сахна харакатининг асоси сифатида	2. Сахна асарларини етуклик даражасига олиб чиқадиган омиллар
3. Актёрнинг ҳаракат меёри нималардан иборат эканлиги	4. Педагог Эмил Жон-Долкроздан ритм ҳақидаги фикрлари.

Кейс

2-вариант

1. Интилувчанлик ва юксак ишонч – сахна харакати ва жанги этикасининг асосий тамойиллари сифатида?	2. Маҳорат – сахнада ўзини бошқаришдаги ахлоқий услуб?
3. Касбга ҳурмат туйғусининг бошқарувдаги аҳамияти?	4. Сахна харакати фаолиятида ўзликни намоён қилишнинг ахлоқ билан мувофиқлиги?

Кейс

3-вариант

1. Сахнада жангчининг маънавий қиёфасининг ахлоқий асослари?	2. Жангчи маънавий қиёфасини ташкил этувчи мезонларнинг ахлоқий моҳияти?
3. Диққатни жалб қилиш ва фидойлик жангчи фаолиятининг асосий мезони?	4. Актёрлик маҳоратида пластиканинг вазифалари

Кейс

4-вариант

1. Актёрликда сўз ва иш, назария ва амалиёт уйғунлиги?	2. Актёрда ритмга мос ҳаракатланишнинг хусусиятлари
3. Нотиқликнинг раҳбар маънавий қиёфасига ижобий таъсири?	4. Раҳбарнинг нутқ устида ишлаши ва нотиқлик маҳоратини ошириш йўллари?

Кейс

5-вариант

1. Актёр гавдасини бошқара олиш хусусида	2. Жамоа билан мулоқотни ташкил этиш усуллари?
3. Актёрнинг чиройли муомаласи мулоқот жараёнидаги муҳим восита?	4. Сахнада таъсирли хатти-ҳаракат қилиш учун нималарга аҳамият бериш кераклиги?

VI. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Метроном- Метроном мусика ўрганувчилар учун ритмни тўғри эшитиш ва фарқлаш учун яратилган асбоб. Метрономга махсус темп ўрнатилиб, мусика ўрганувчиларга муайян вақт оралиғида ритм зарбаларининг урғуларини аниқлашга ёрдам беради.

Болта- Темирданясалган, ёғочдасталиасбоб. Баъзан тиғи пўлатдан қилинади. Дарахт, ёғоч кесиш, тўнка ёриш кабиларда ишлатилади. Болта бир неча турга бўлинади: катта болта (оғирлиги 3кггача), ўрта болта (оғирлиги 2,5кг гача), болтача (оғирлиги 1кг гача) ва ойболта.

Гладиаторлар- (лот. – қилич) Қадимги Римда махсус тайёргарликдан ўтган, ўзаро ёки йиртқич ҳайвонлар билан курашувчи бақувват, жасурқуллар, асирлар. Римда биринчи гладиаторлар жанги миллоддан аввалги 264 йилда бўлган. Гладиаторлик дастлаб диний маросимда ва 3-асрдан эътиборан зодагонларни кўмишда қулларни қурбон қилиш характерида бўлган. Қулдорликнинг юксалиш даврида (мил. ав. 2-1 асрда) гладиаторлар жанги зодагонларнинг кўнгил очиш томошасига айланган. Гладиаторлар бир неча бор қулдорларга қарши бош кўтарганлар. Гладиатор Спартак раҳбарлигидаги кўзғолон шуларнинг бири. Гладиаторлар жанги 5-асрдан эътиборан барҳам топди.

Гурзи- Шарқда қадимдан ишлатилиб келинган жанг қуроли. Туркий халқлар орасида чўмоқ, чўқмор деб ҳам юритилган. Ярим метр чамаси пишиқ ёғоч даста учига оғир металлдан тиканли қилиб ишланган шар ўрнатишган. Гурзи билан асосан суворийлар қуроллантирилган. 17- асрдан Украинада хукмронлик (*гетманлик*) белгиси сифатида қўлланилган.

Камон - камалак, ёй-ўрта тош (мезолит) даврида ибтидоий овчилар томонидан ихтиро қилиниб, 17- асргача (Шимол халқларида 20-аср бошларигача) қўлланилган ов ва жанг қуроли. Камон икки қисмдан иборат: 1) эгма чўп, 2) тиркаш. Камоннинг эгма чўпи сариқ тол, самбит, ёввойи жийда ва жингил шохидан ясалиб, унинг икки учига баъзан суяк ёки қимматли металл қопланган. Камоннинг тиркаши асосан пайдан қилинган. Камоннинг икки хили мавжуд: 1) оддий камон; 2) мураккаб камон. Оддий камон ярим доира шаклида. Мураккаб камон эса ёйилган қуш қанот шаклида. Мураккаб камон асрлар давомида такомиллаштириб борилган. Мураккаб камон Ўрта Осиё халқларига миллоддан аввалги 11мингинчи йилликдан маълум. Камоннинг ўқи 100-150 метр масофадаги нишонни ураолган (спорт мусобақаларида 900 метргача борган.) Камон ҳозирги пайтда спортда қўлланилади.

Лашкар- черик, қўшин, *арми Й.* Мунтазам армия бўлмаган феодализм шароитида хон ва подшоҳлар харбий юриш олдидангина ўзига тобе вилоятларга чопар юбориб, қўшин тўплаган. Лашкарликга чақирилган ҳар бир киши ўз оти, қуроли ва бир ойлик озиқ-овқати билан келган.

Ойболта- жангқуроли; дами (тиғи) янги туғилган ойга ўхшаш болта. Ўрта асрларда ойболта билан отлик аскарлар қуроллантирилган.

Рицарлар- ўрта асрларда ғарбий ва марказий Европа мамлакатларидаги барча феодал аристократлар (кенг маънодаги рицарлар) ни ёки уларнинг бир қисми – майда феодаллар (тор маънодаги рицарлар) ни ўз ичига олган ижтимоий табақа. Рицарлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 10-аср охирига мансуб. Бу вақтда «Рицарлар» деганда оқсуяклар ва ссалиб ўлган харбий (асосан отлик) хизматкорлар тушунилган.

Рицар учун жангда ботирлик ва мардлик кўрсатиш, ўз сенёрига содиқлик, христиан черковини ва унинг руҳонийларини, рицарлар уруғларидан бўлган «етим-есир ва заиф» авлодларини ҳимоя қилиш мажбурий ҳисобланган. Бўлажак рицарларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Ўғил болалар 7 ёшлигидан бошлаб отда юриш, қилич бозлик, ёй отиш, ов қилиш ва бошқаларга ўргатилган, уларга рицарларнинг ахлоқ нормалари сингдирилган.

Сарбоз- (форс-тожик – бош ва ўйнамоқ, фидо қилмоқ). Эронда ва Ўрта Осиёхонликларидаги мунтазам армия аскарари.

Салют- махсус низомларда белгилаб берилган усул ва тартиблар асосида байроқлар билан, милтиқ ва тўплардан ўқ узиб олқишлаш ёки ҳурмат бажо қилиш. Одатда, муҳим воқеа (сана) ларни нишонлаш пайтида, байрам, парад ва бошқаларда салют берилади. Харбий кишиларни кумиш маросимида ҳам марҳум учун салют берилган. Махсус халқаро келишувлар ва денгиз бўйи давлатларининг ички қоидалари асосида муайян катталиқдаги харбий кемалар қирғоқ батареяси бор портларга кирганда салютлар бериш (қирғоқ батареяси жавоб салюти беради) кўзда тутилган.

Совут- жангда танани қурол зарбидан сақлайдиган харбий кийим. Ўрта Осиё ва Шарқ армияларида илк ўрта асрлардан бошлаб қўлланилган. Совут дастлаб тўр куйлакка ўхшатиб пўлатдан ясалган. Кейинчалик мустаҳкамроқ бўлиши учун унинг устига турли шаклдаги металл тангачалар қопланган. Совутнинг ёқасиз ва енгсиз турихам бўлган. У махфий равишда оддий кийим остидан кийилган.

Темирмаъдан- Мил. ав 2-мингинчи йилларда Осиёнинг ғарбий қисмида темирни рудалардан олиш усули яратилди; шундан кейин темир Вавилон, Миср, Юнонистонда ҳам ишлатиладиган бўлди; бронза даврини темир даври эгаллай бошлади.

Турнир - Ғарбий Европада ўрта асрларда рицарларнинг харбий мусобақаси. Турнир мақсади – рицарларнинг жанговарлик қобилиятларини намоёйиш қилиш. 16-асрга келиб кўпчилик мамлакатларда барҳам топган.

Ханжар - икки тарафи тигли, ўткир учли қурол. Қадим замонларда ҳайвон шохларидан ҳамда чакмоқтошдан ясалган. Кейинчалик мис, бронза, темир ва пўлатдан ясала бошлаган. Пўлат ханжар чиройли безатилган қинларда олиб юрилган. Баъзи халқларда (масалан, Кавказ халқларида) ханжар миллий кийимнинг жиҳози ҳисобланади.

Чавгон - (форс-тожик – учи эгри узун таёк) – чавгон (клюшка) ва тўп билан отда команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. Ўйин мазмуни ва мақсади ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига энг кўп тўп киритишдан иборат. Ўйинда чавгон билан рақиб чавгонини уриш, тўпни оёқ билан тепиш, дарвоза олдидаги ярим доира ичига кириш, рақиб чавгонини қўл билан ушлаш, синган чавгон билан ўйнаш тақиқланади. Уйинчи ўйин қондасини кўпол равишда бузса, жарима тўпи белгиланади ёки у ўйиндан чиқариб юборилади, агар ўз штраф майдонида қондани бузса, 6 метрдан жарима тўпи белгиланади. Ўйинчилар ўйин пайтида миллий кийимда бўлишлари шарт. Майдоннинг ташқи томонида 2 та пиёда судья судьялик қилади.

Қиличбозлик - спорт турларидан бири. Спорт қуроллари – рапира, қилич (сабля), шамшир (шпага) да расмий қондалар билан яккама-якка олишувдан иборат. Олишув эркақлар ўртасида 5-10 зарбагача, аёллар ўртасида 5-8 зарбагача давом этади. Олишув эни 2м ва узунлиги 14м (рапира), 18м (шамшир, қилич) махсус йўлкада ўтказилади.

Аниқлик – ҳужум вақтида қурол билан рақибнинг гавдасига бериладиган санчиш ва зарба бериш нуқтаси. Ҳимоя вақтида эса гавданнинг аниқ нуқтасини ёпиб ҳимояланиш.

Батман – душман қўлидаги қуролини ўзининг қиличи билан кескин уриб юбориши.

Бошланғич ҳолат – жангчининг «жанговор ҳолат» га ўтишидан олдин тинч тургандаги ҳолати.

Жароҳат – қурол билан аниқ санчиш ёки зарба бериш орқали етказилган жисмоний «шикаст» оқибати.

Жароҳатланиш – қиличнинг тиғи ёки унинг учи билан рақиб томонидан берилган «шикаст» ни қабул қилиш.

Жавобҳужуми – ҳимоя олгандан сўнг душманга бериладиган жавоб зарба.

Жанговор чизик – «жанговор ҳолат»да жангчиларнинг оёқлари ва товонларининг бир чизикда туриши.

«Жанговор ҳолат»да туриш – жангчиларнинг жанг бошлашдан аввал жангга ҳозирлик кўриб туриш ҳолати. Бу ҳолатда туриш жангчиларнинг кўлидаги қуролининг турларига ҳам боғлиқдир.

Зарб – қиличнинг тиғи ёки унинг учи билан рақибнинг танасига текказиш.

Зарба бериш ёки санчиш мумкин бўлган нуқта – «сахна қиличбозлиги» да рақиб нинг гавдасини барча қисмига зарба бериш ёки санчиш мумкин.

Катга «кескин» қадамташлаш – «жанговор ҳолат»да турган ҳолатдан чап оёқнинг тиззасини кескин тўғирланиши ҳисобига ўнг оёқ олдинга чиқиб, тиззадан 90 градус букилган ҳолда бўлиши.

Катга «кескин» қадамдан қайтиш – олдинги ўнг оёқни яна «жанговор ҳолат» га қайтариб қўйиш.

Мақсад – жангчининг ўз олдига қўйган мақсади душманни енгиш. У турли хатти-ҳаракатлар орқали бажарилади.

Масофа – рақиблар орасидаги оралик. Оралик масофа уч хил бўлади: яқин оралик; ўрта оралик; узоқ оралик масофа. Оралик масофа рақиблар кўлидаги қуролнинг узунлигига боғлиқ бўлади.

Маиший ҳаракатлар – текисликда оёқларнинг ўзаро жойлашиши, қуроллар билан бажариладиган хатти-ҳаракатлар; қуролсизлантириш, қурол билан салом бериш, қасамёд қилиш ва бош кийим, плашлар ёрдамида қилинадиган хатти-ҳаракатлар.

Олқишлаш – рақибни қурол билан қалқонга бир-икки уриб, уни юқорига кўтарган ҳолда ҳурматини бажо келтириш ҳолати.

Эркин ҳолат – жангчининг бошланғич ҳолатга қайтиши ва ўзини эркин ҳис қилиб, мушакларини бўш қўйган ҳолда дам олиб туриши.

Ўтказиш – қиличнинг ўткир учини рақибнинг қуроли устидан ёки тагидан айлангириб ўтиш.

Қин – қуролни бекорчи, керак бўлмаган зарбалардан сақлаш учун хизмат қилувчи ғилоф бўлиб, у ёғоч ёки темирдан яслади.

Хатти-ҳаракат - сахнада ёки суратга тушириш майдончасида актёрда хатти-ҳаракат ҳаётий ҳис-туйғуларни вужудга келтиради. Аниқ хатти-ҳаракат жараёнида ички кечинма ўз-ўзидан туғилади.

Хатти-ҳаракат – берилган шарт-шароит билан курашишда мақсадга эришиш йўлидаги психо-физик жараён – деб Г.А. Товстоногов ва А.И.Катсман белгилаганлар. Аммо пьеса, ёки сценарий экспозициясидаги сюжетда тугунгача хатти-ҳаракатда кураш бўлмайди.

Жонли хатти-ҳаракат - актёр ижодида табиий хатти-ҳаракат, у энг қулай ва тўғри ҳолат пайдо қилади. Актёр хатти-ҳаракати орқали сахнада табиий ҳаёт, яъни томошабин олдида танҳолик вужудга келади.

Хатти-ҳаракат – сезги ва тафаккурга қарама-қарши ўлароқ, актёр ижодий фаолиятининг моддийлашган кўринишидир. Яъни, хатти-ҳаракат – актёр меҳнатининг маҳсули ҳисобланади.

Хатти – ҳаракат - театр сахнаси ёки суратга олиш майдончасида актёрнинг берилган шарт – шароитларда тасаввурдаги мақсад сари интилиши, фаолиятидир. Хатти – ҳаракат – актёр ижодининг асоси.

Жест - (қўл ҳаракатлари) – суратга тушириш майдонида ёки сахнада актёрнинг қўл ёки қўлларининг бадиий-ифодавий ҳаракати.

Ҳаракат сиз қўллар – К.С.Станиславский актёрнинг сахнадаги ифодасиз, самарасиз қўл ҳаракатларини рад этган. Актёрлар ортиқча қўл ҳаракатини қилмасликлари учун, репетиция жараёнларида Станиславский уларни ўз қўллари устига ўтиришларини таклиф қилган. Шахснинг қўл ҳаракатлари очик, бадиий жихатдан ҳиссиётларга бой, таъсирчанлик хусусиятларига эга бўлиши керак.

Актёр пластикаси – нафис ҳаракат, бу актёрдаги тана ҳаракатларининг ифодавий таъсирчанлиги, маънодорлиги.

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион

педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.

31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

32. Алекоидзе Г. Школа балетмейстера. Учебная литература. – М.; 2018

33. Березкин В. Искусство сценографии мирового театра. Россия “ЛКИ” 2011г

34. Досметова Р., Абрайкулова Н. Рақс. Ўқув қўлланма. –Т.; Баркамол файс медиа. 2018 -76 б.

35. Вашкевич Н.Н. История хореографии всех веков и народов. Учебная литература. – М., “Музыка”. 2009.

36. Досметова Р. Абрайкулова Н. Рақс. Дарслик -Т.: Баркамол файс медиа, 2017. -160 бет.

37. Искандарова Р.Р.Классический танец. Учебное пособие.- Ташкент, Изд.“ Навруз”, 2017, 220 с.

38. Martina Freytag. “Chorleitung - effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.

39. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 p.

40. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века –М., “Музыка”. 2015.
41. Усмонов Ш.Й. “Саҳна ҳаракати ва жанги” ўқув қўлланма. –Т.; 2014 й.
42. Исмоилов А.Ф., Усмонов Ш.Й., Исмоилов Д.А “Саҳна ҳаракати ва жанги” дарслик. –Т.; “ЎзДСМИ нашриёти”. 2015. 116 б.
43. J. Chenard., The Michael Chekhov Technique: In The Classroom and On Stage – Virginia Commonwealth University. 2010 у.
44. Фазлиева З. К. Ўзбек рақсини ўрганиш услубиёти “Фаргона мактаби” Электрон ўқув қўлланма. 2018 й.
45. Раҳимов.А Саҳна сирлари мунаққид нигоҳида Тошкент “Турон замин зиё”. 2016 й

III. Электрон таълим ресурслари

46. www.ziyonet.uz
47. www.edu.uz
48. www.infocom.uz
49. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
50. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
51. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
52. www.gov.uz
53. www.dsmi.uz
54. www.dsmimarkaz.uz
55. www.unesco.org/culture/ich
56. www.ichcap.org
57. www.nmm.uz
58. www.natlib.uz